

2011 йил — кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили

БОҚИЙ ФИКРЛАР

Конституция — юртимизда янги ҳаёт, янги жамият барпо этишнинг ҳуқуқий пойдевори.

Ислом КАРИМОВ



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT * XALQ ZIYOLILARI GAZETASI * معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan 2010-yil 8-dekabr, chorshanba № 97 (8330) ISSN 2010-6416

Kuch - bilim va tafakkurda

МАМЛАКАТИМИЗНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ЙЎЛИНИ ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТТИРИШ — ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИНГ МУҲИМ ОМИЛИДИР

Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!
Кадрли дўстлар!
Хонимлар ва жаноблар!
Шу кунларда Асосий Қонуни-миз — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилингани-нинг 18 йиллиги мамлакатимиз-да тантанали равишда байрам қилинмоқда.
Давлатимиз ва халқимиз ҳаёти-да том маънода тарихий сана бўлган ушбу айём ҳақида гапи-рар эканмиз, биз Консти-туциямизнинг бугунги Ўзбекистон давлатчилигининг тикланиши ва ривожланишидаги бекиёс ўрни ва аҳамиятини юксак баҳолаймиз. Ва шу аснода мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб ўз олдимишга қўйган эзгу мақсадга эришиш, яъни юртимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат қуриш, инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эр-кинликлари энг олий қадрият ҳисобланадиган фуқаролик жа-

миятини шакллантиришда Кон-ституциямизнинг мустаҳкам пой-девор бўлиб келаётганини мам-нуният билан эътироф этамиз.
Бугун Ўзбекистонимиз босиб ўтган мустақил тараққиёт йўли-ни холисона баҳолар эканмиз, ўтган давр мобайнида биз эриш-ган, дунё жамоатчилиги тан ол-ган оламшумул ютуқ ва марра-лар, авваломбор, изчил ривож-ланаётган иқтисодиётимиз ва унинг барқарор ўсиш суръатла-ри, аҳоли фаровонлигининг йил-дан-йилга ошиб, жаҳон ҳамжа-миятида мамлакатимиз обрў-эътиборининг тобора юксалиб бораётгани — буларнинг барча-си Конституциямизнинг асосига қўйилган, чуқур ва пухта ўйлан-ган мақсад, принцип ва норма-ларнинг ҳаётбахш самараси, де-сак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.
Қисқача айтганда, биз танла-ган ва "ўзбек модели" деб ном олган мамлакатимизнинг тарақ-қиёт йўли нақадар тўғри экани-

ни бугун ҳаётнинг ўзи яққол тас-диқлаб бермоқда.
Биз ўз умрини ўтаб бўлган мус-табид, буйруқбозлик ва режали-тақсимот тизимидан қанчалик узоқлашганимиз сари, миллий та-раққиёт моделимизнинг асосини ташкил этадиган тамойил ва нор-маларнинг нечоғлик тўғри экани-га бўлган ишончимиз шу қадар ортиб бормоқда.
Бу тамойиллар, биринчи нав-батда, ҳаётимизни мафкурадан тўла холи қилиш, коммунистик қолип ва қарашлардан воз кечиш, қонуннинг ҳамма учун устувор бўлиши, давлатнинг бош ислохот-чи ролини ўзига олиши, инқило-бий эмас, аксинча, тадрижий та-раққиёт йўлидан ривожланиш, яъни ислохотларни "Янги уй кур-май туриб, эскисини бузманг" деган принцип асосида изчил ва босқичма-босқич амалга оши-риш, шунингдек, кучли ижтимо-ий сиёсат юритиш каби қоида-ларни ўз ичига олади.

(Давоми 2-бетда.)

БЕТИМСОП ЮТУҚЛАРИМИЗНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Пойтахтимиздаги "Ўзбекис-тон" халқаро анжуманлар са-ройида 7 декабрь куни Ўзбе-кистон Республикаси Консти-туцияси қабул қилинган кун-нинг 18 йиллигига бағишлан-ган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда давлат ва жамоат арбоблари, фан, маданият ва санъат намояндалари, пойтахт жамоатчилиги, мамлақати-мизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатларнинг элчи-хоналари ва халқаро ташки-лотлар ваколатхоналари ва-киллари иштирок этди.
Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳоқими А.Тўхтаев очди.
Ўзбекистон Республикаси Дав-лат маҳфияси янграйди.
Ўзбекистон Республикаси Пре-зиденти Ислом Каримов йиғи-лишда "Мамлакатимизни модер-низация қилиш йўлини изчил да-вом эттириш — тараққиётимиз-нинг муҳим омилидир" мавзuida маъруза қилди.

(Давоми 6-бетда.)

ЎЗБЕКISTON ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ОДКБ КОЛЛЕКТИВ ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ ВА МДХ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИДА ИШТИРОКИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Пре-зиденти Ислом Каримов 2010 йил 10 декабрь куни Москвада Коллектив хавфсизлик шартно-маси ташкилоти (ОДКБ) Коллек-тив хавфсизлик кенгашининг сес-сияси ва МДХ Давлат раҳбарла-ри кенгашининг навбатдаги маж-лисида иштирок этади.

ВАТАНИМИЗНИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Президентимиз Ислом Каримов 7 декабрь куни Оқсаройда бир гуруҳ юртдошларимизга Ватанимизнинг юксак мукофотларини топширди

Энг улуғ ва энг азиз бай-рамимиз — Ватанимиз му-стақиллигининг 19 йилли-ги арафасида, Президен-тимиз Ислом Каримовнинг фармонларига мувофиқ, юртимиз тараққиётига катта ҳисса қўшган, мам-лакатимиз иқтисодий са-лоҳиятини юксалтириш, эл-юртимиз тинчлиги ва осойишталигини янада мустаҳкамлашда ўрнатилган ва намуна кўрсатган бир

гуруҳ юртдошларимиз Ва-танимизнинг юксак муко-фотлари билан тақдирлан-ган эди.
Оқсарой қароргоҳида 7 декабрь куни ана шу юксак мукофотларни тантанали топшириш маросими бўлди.
— Аввало, мана шу мух-ташам залда тўпланиб тур-ган сиз, азизларни халқи-миз кенг нишонлаётган Конституция куни билан

табриклашдан, сизларга ўзимнинг самимий хурма-тимни билдиришдан хур-санд эканимни изҳор эт-моқчиман, — деди Прези-дентимиз. — Ватанимиз-нинг юксак унвонлари, орден ва медаллари би-лан тақдирланган инсон-ларни айнан ана шу бай-рам арафасида қутлаб, давлат мукофотларини топшириш яҳши бир анъ-анага айланди.

Эл-юртимиз олдидаги фарзандлик бурчини ба-жариш йўлида бугун бор-лигини бахш этиб, ўзи-нинг фидойи меҳнати, му-носиб хизмати билан бо-шқаларга ўрнатилган ва намуна бўлиб келаётган сиз каби инсонлар билан учрашиш, уларнинг қўлини сиқиб, бағримга босиб муборак-бод этиш, мен учун катта бахтдир.
(Давоми 6-бетда.)

ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА	КОНСТИТУЦИЯ — БАХТИМИЗ ПОЙДЕВОРИ 10—11-бетлар	ИХТИРОЛАР — ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ 12-бет	ВАТАНГА МУҲАББАТ, ҚАЛБГА ҒУРУР БАҒИШЛАГАН САЁҲАТ 13-бет	ГИМНАСТИКА- ЧИЛАРГА БАЙРАМ ТУҲФАСИ 15-бет
--------------------------	---	---	---	---

МАМЛАКАТИМИЗНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ЭТТИРИШ — ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИНГ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ана шу тамойилларга амал қилган ҳолда, биз ўтган давр мобайнида ҳақиқатан ҳам жуда катта тарихий ютуқларга эришдик ва бу билан ҳақли равишда фахрлансак арзийди.

Биз эришган улкан марраларнинг энг муҳими — эски тизимдан бутунлай воз кечиб, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш йўлидан дадил бораётганимиз ва бу жараённинг ҳеч қачон ортга қайтмайдиган қатъий ва изчил тус олганидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бугунги кунда одамларимиз, уларнинг ижтимоий онги, ҳаётга муносабати тобора ўзгармоқда, ватандошларимизнинг сиёсий етуқлиги, юртимизда ва дунёда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан фуқаролик масъулияти, дахлдорлик ҳисси ошиб бормоқда. Ва айнан шуларнинг барчаси мамлакатимизнинг тараққиёт ва фаровонлик йўлидан изчил ривожланиб боришини, янги марраларни қўлга киритишимизни таъминлаётган қудратли ҳаракатлантирувчи куч бўлиб хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга, амалга оширган ишларимизни эътироф этган ҳолда, биз бир ҳақиқатни эсдан чиқаришга ҳаққимиз йўқ, деб ўйлайман: **яъни, ҳаёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмайди.**

Босиб ўтган йўлимизни ва мамлакатимизнинг дунёда содир бўлаётган туб ўзгаришлар жараёнида тутган ўрнини ҳолис ва танқидий баҳолаб эканмиз, биз эришган ютуқларимизга маҳлиё бўлиб қолмаслигимиз, ортиқча ҳаволаниш ва хотиржамлик туйғусига берилмаслигимиз зарур. Бугун биз яшаётган глобаллашув ва тобора кучайиб бораётган рақобат асрида фақат чуқур ислохотлар ва модернизация йўлидан тинимсиз ва қатъий билан ривожланиб бориш натижасида ўз олдимизга қўйган истиқболли мақсадларга — **тараққий топган, фаровон яшаётган демократик давлатлар қаторига кириш, халқимиз учун муносиб ҳаёт даражасини таъминлашга эриша оламиз.**

Парламентимиз палаталарининг шу йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисида баён этилган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да айнан ана шу вазифалар ўртага қўйилганини таъкидлаш жоиз.

Куйидаги масалалар бизнинг энг муҳим усту-

вор йўналишларимизга айланиши даркор:

— давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштиришга қаратилган конституциявий ислохотларни янада чуқурлаштириш, яъни ҳокимиятни ташкил қиладиган Президент — давлат бошлиғи, қонунчилик ва ижро ҳокимияти ўртасида мувозанат ва барқарорликни янада мустаҳкамлаш, суд тизимининг мустақиллиги ва либераллашувини кучайтириш бўйича ислохотларни давом эттириш;

— ахборот соҳасида фуқаролар ва инсон ҳуқуқларининг кафолатларини, сайлов эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини такомиллаштириш;

— демократик кадрятлар ва инсонларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг амалда муҳим омилига айланиши зарур бўлган фуқаролик институтларини, нодавлат нотижорат ташкилотлари, жамоат тузилмалари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, хусусан, маҳалланинг ҳуқуқ ва ваколатларини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш;

— фақат кенг миқёсли иқтисодий ислохот ва ўзгаришларни биз танлаган, ўзини амалда тўла оқлаган тараққиёт моделига ҳамоҳанг равишда давом эттириш иқтисодиётимизнинг барқарорлиги ва зарур ривожланиш суръатларини, ҳаётимиз сифатини ошириш, дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш имконини беради.

Ўз-ўзидан равшанки, биз олдимизга қўяётган бундай мураккаб ва улкан вазифаларни амалга ошириш учун анча вақт, балки йиллар талаб қилинади ва буни биз ўзимизга яхши тасаввур этишимиз лозим.

Мен бугунги йиғилишда мазкур Концепцияда кўзда тутилган аниқ йўналишларга батафсил тўхталмоқчи эмасман.

Нега деганда, бу масалаларнинг барчаси ҳозирги вақтда оммавий ахборот воситаларида етарлича кенг ёритилмоқда ва нафақат мамлакатимизда, балки дунё миқёсида ҳам катта қизиқиш ва эътибор билан муҳокама қилинмоқда.

Шу билан бирга, алоҳида таъкидлашни истардимки, энг мураккаб ва масъулиятли вазифа — бу Концепциянинг ўзини ишлаб чиқишдан иборат эмас, албатта. Энг асосий вазифамиз — мамлакатимизни модернизация қилиш ва демократлаштириш бўйича бошланган ислохотларни янада чу-

қурлаштириш ва кенгайтириш, биз ўз олдимизга қўйган юксак тараққиёт марраларига эришиш бўйича Концепцияда белгилаб берилган, аниқ мақсадга қаратилган йўл-йўриқ ва кўрсатмаларни амалга оширишнинг Комплекс дастурини, бошқача айтганда, шу йўналишдаги Стратегияни ишлаб чиқиш ва босқичма-босқич жорий этишдан иборатдир.

Бу ҳақда гапирар эканмиз, фаолиятимиз негизига қўйиладиган ушбу асосий принципларга эътибор қаратиш зарур, деб ҳисоблайман.

Биринчи. Амалга оширилаётган ислохотларимизнинг мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятига асосланган ҳуқуқий демократик давлат қуриш бўйича биз танлаб олган йўлнинг манتيқий ва қонуний давоми бўлишини назарда тутган ҳолда, уларнинг узвийлиги, босқичма-босқичлиги ва изчиллигини, бошқача айтганда, тадрижийлигини сақлаш шарт.

Иккинчи. Концепцияда тақлиф этилаётган ислохот йўналишлари ўзаро узвий боғлиқ экани ва бир-бирини тақозо этишини ўзимиз учун аниқ ва равшан англаб олишимиз даркор.

Шу маънода, лўнда қилиб айтганда, давлат ва жамият қурилишини изчил асосда демократлаштирмасдан, мустақил суд тизимини таъминламасдан туриб, бозор ислохотларини амалга ошириш ва иқтисодиётни либераллаштиришга эришиб бўлмайди. Бундай талаб сўз ва ахборот эркинлиги, сайлов эркинлигини таъминлаш ва сайлов тизимини ривожлантириш, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш, энг муҳими, фуқароларимизнинг сиёсий онги, ижтимоий-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш масалаларига ҳам бирдек дахлдордир.

Учинчи. Ислохотларимизнинг маъно-мазмуни ҳар бир онгли фикрлайдиган инсон учун очиқ ва тушунарли бўлган, улар шу муқаддас заминда яшаётган ҳар бир фуқаро, ҳар бир инсоннинг амалий ишига айланган тақдирдагина мамлакатимизни янада ислоҳ этиш ва модернизация қилишнинг муваффақиятини таъминлашимиз мумкин.

Шу борада бугун мана шу залда ўтирган сиз азизларни, авваламбор ёшларимизни, уларнинг тимсолида униб-ўсиб, ҳал қилувчи бунёдкор куч сифатида майдонга чиқаётган, она юртимиз келажагининг эгаси

бўлган миллионлаб азмушижоатли фарзандларимизни мен ўзимнинг энг катта умидим ва ишончим деб биламан.

Мен қатъий ишонаман — бизнинг болаларимиз, мамлакатимизни ислоҳ қилишнинг ғоя ва мақсадларини онги ва қалбига яқин бўлган ёшларимиз ана шундай орзу-умидларимизга, албатта, муносиб бўлади-лар, шу мақсадларни амалга ошириш учун астойдил курашадилар ва албатта, бу маррани ҳам қўлга киритадилар.

Қадрли дўстлар!

Бундан бир йил муқаддам мана шу муҳташам залда, Конституция кунига бағишланган мажлисда, сизлар билан атрофлича фикр алмашиб, 2010 йилни мамлакатимизда **"Баркамол авлод йили"** деб эълон қилган эдик.

Давлатимиз ва жамиятимизнинг бугунги кунни, айниқса, келажаги учун ғоят муҳим бўлган соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш вазифасини ўз олдимизга қўяр эканмиз, авваламбор, биз яшаётган XXI аср — интеллектуал бойлик, юксак билим ва салоҳият талаб этиладиган, айнан шу кадрятлар устувор аҳамият касб этадиган аср, деган ҳаётий ҳақиқатдан келиб чиққан эдик.

Албатта, ҳозирги кунда тараққиёт йўлидан изчил ривожланиб боришимизда, эзгу мақсадларимизни рўёбга чиқаришда ҳал қилувчи роль ўйнайдиган муҳим бир мезон борки, у ҳам бўлса, инсон капитали, яъни инсон омили, замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллаган, мамлакатимиз истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган, ҳаётга дадил қадамлар билан кириб келаётган ёшларимиздир.

Биз қабул қилган, ўсиб келаётган авлодни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш дастурида белгиланган улкан ва кенг қўламли вазифаларни қисқа вақт мобайнида, яъни бир йил давомида амалга ошириб бўлмаслиги барчамизга яхши аён. Шу маънода, бу олижаноб мақсад давлатимиз ва бутун жамиятимизнинг доимий ва узоқ истиқболга мўлжалланган устувор вазифасига айланиши ва ҳамisha эътиборимиз марказида туриши лозим.

Қўлами ғоят кенг бўлган ушбу дастур доирасида бажарилган барча ишларни битта маърузада қамраб олиш қийин, албатта, унинг ижроси ҳақида йил якунига бағишлаб жойларда ва мар-

казда бўлиб ўтадиган йиғилишларда атрофлича фикр юритилади. Мен бу ўринда фақат 2010 йилда "Баркамол авлод йили" Давлат дастурининг асосий йўналишлари бўйича амалга оширилган энг муҳим ишлар хусусида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Авваламбор, **болалар ва ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни баркамол ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш** масалаларига алоҳида эътибор берилди.

Бу борада, бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда, 600тадан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат тўлиқ инвентаризациядан ўтказилди, уларнинг якуни бўйича амалдаги қонунлар ва норматив ҳужжатларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга вояга етмаган болаларнинг жиноий муҳитга тортилишининг олдини олиш мақсадида ёшларга мўлжалланган турли хил ҳордиқ чиқариш муассасалари раҳбарлари ва бошқа масъул шахсларнинг ўрнатилган нормаларга риоя қилиш бўйича жавобгарлигини кучайтириш ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга қаратилган қўшимчалар киритилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан аҳоли, биринчи навбатда, ўқувчи ва талабаларга замонавий ахборот технологиялари асосида ахборот-кутубхона, авваламбор интернет хизмати кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида "Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида"ги қонун биринчи ўқишда қабул қилинди.

Шулар қаторида "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши, албатта, катта аҳамият касб этади. "Алкоголь ва тамаки маҳсулотларини тарқатиш ва истеъмол қилишни чеклаш тўғрисида"ги қонуннинг яқин кунларда қабул қилиниши соғлом авлодни шакллантиришда, уларни болалик давридан бошлаб саломатликка путур етказадиган зарарли одатлардан ҳимоя қилишда муҳим омил бўлишини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Айтиш керакки, дастур доирасида ишлаб чиқилган "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги қонуннинг янги таҳрири лойиҳаси ушбу соҳани янада ислоҳ

ҚИЛИШ ЙЎЛИНИ ИЗЧИЛ ДАВОМ МУҲИМ ОМИЛИДИР

қилиш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилгани билан эътиборлидир.

Маълумки, соғлом авлод деганда, барчамиз биринчи навбатда соғлом наслни тушунамиз. Бу борада ўтган йиллар давомида "Соғлом она — соғлом бола" гоясини ўзида мужассам этган дастур асосида кенг кўламли чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга жорий этилди.

Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, жумладан, пойтахтимиз ва вилоятларимизда замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган диагностика, скрининг ва перинатал марказлари, янги туғруқ мажмуалари барпо этишга қанча куч ва маблағ сарфланганидан, ўйлайманки, ҳаммангиз яхши хабардорсиз.

Биргина "Она ва бола скрининги" Давлат дастури доирасида бошқа вилоятлар марказлари қаторида Гулистон ва Жиззах шаҳарларида янги скрининг марказлари ташкил этилди. Барча минтақавий марказлар бюджет маблағлари ҳисобидан замонавий диагностика ва лаборатория ускуналари, зарур материаллар билан таъминланди.

Бу ўз навбатида кўплаб ирсий касалликларнинг олдини олиш ва даволашни юқори даражага кўтариш, болаларнинг ирсий хасталиклар билан ва нуқсонли туғилишининг хавфини камайтириш имконини бермоқда.

Шу билан бирга, мамлакатимиз ҳудудларидаги замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган қишлоқ врачлик пунктлари ва ихтисослаштирилган марказларда деярли барча аҳоли тиббий кўрик ва ультратовуш текширувидан ўтказилди. Бундан ташқари, ҳар ойда мунтазам равишда "Туғиш ёшидаги аёллар, болалар ва ўсмир қизларни соғломлаштириш жафталиги" ўтказилмоқда. Жорий йилнинг ўзида туғруқ ёшидаги 7 миллион 800 минг аёл ва 14 ёшгача бўлган 8 миллион 500 минг бола тиббий кўриқдан ўтказилганини қайд этиш лозим.

Бу йил шу борада яна бир ибратли тажриба йўлга қўйилди. Яъни, 12 мингдан ортиқ патронаж ҳамширалари, 8 мингдан зиёд педиатр, неонатолог акушер ва тиббиёт ҳамшираси хотин-қизлар ва болаларга тиббий хизмат кўрсатиш бўйича янги технологиялар асосида таълим олиб, ўз малакасини оширди.

Маълумки, кейинги йилларда ҳомилдор аёлларни таркибида ҳаётий зарур элементлар бўлган махсус поливитаминлар билан таъминлаш ва шу орқали аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш борасида мисли кўрилмаган профилактик тадбирлар амалга оширилмоқда.

Айтиш керакки, бундай чора-тадбирлар ҳар йили 400 минг нафар ҳомилдор аёлни соғломлаштириш, оналар саломатлигини мустаҳкамлаш, ривожланишида нуқсонли бўлган болалар туғилишининг олдини олиш имконини бермоқда.

Шунингдек, юртимизда инсон ҳаёти учун хавфли бўлган бир қатор касалликлар профилактикаси бўйича ҳам улкан ишлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида болаларнинг 98 фоиздан ортиғи олдини олиш мумкин бўлган инфекцияларга қарши эмланмоқда.

Бунинг натижасида дифтерия, қизамиқ касалликларига чалиниш ҳолатлари кескин камайганини айтиш даркор. 2010 йилда юқумли касалликлар билан оғриш ҳолатлари, жумладан, менингокок инфекцияси 28 фоизга, эпидемик паротит 27 фоиз, вирусли гепатит 13 фоизга камайгани ана шундай тадбирлар самарасидир.

Мамлакатимизда ўтказилган яна бир кенг кўламли тадбир — полиомиелитга қарши эмлаш миллий кунлари давомида 15 ёшгача бўлган 4 миллион бола эмланди. Бизга қўшни бўлган давлатларда айман шу масалада ноҳуш вазиятлар юзага келган бир шароитда бундай тадбирлар полиомиелит билан касалланишининг олдини олиш имконини берганини, бунинг аҳамиятини, албатта, барчамиз яхши англаймиз.

Бир қатор нуфузли халқаро институтларнинг баҳолашича, Ўзбекистон дунёнинг 125 давлати орасида хотин-қизлар учун қулай шароитлар яратиш ва оналикни муҳофаза қилиш борасида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Буни ЮНИСЕФнинг Шарқий Европа, Болтиқбўйи ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари бўйича офиси томонидан оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасидаги дастурларни жорий қилишда Ўзбекистоннинг минтақадаги намунавий модель сифатида эътироф этилгани ҳам исботлайди.

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, турли касалликларнинг олдини олиш,

умуман, соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш мақсадида жорий йилда давлат бюджетидан жами 1 триллион 700 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилган бўлиб, бу 2009 йилга нисбатан 30 фоиз ва 2008 йилга нисбатан 2 баробар кўп демакдир.

"Баркамол авлод йили" давлат дастурини амалга оширишда **таълим соҳасини ривожлантириш, авваламбор, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, янги ўқув муассасалари қуриш ва уларни замонавий ускуналар билан жиҳозлаш** масаласига эътибор янада кучайтирилди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурининг амалга оширилиши натижасида 1 минг 536та академик лицей ва касб-хунар коллежи, умумтаълим мактабларининг қарийб 9 мингтаси, яъни, деярли ҳаммаси, 1 минг 800 дан ортиқ спорт зали намунавий лойиҳалар асосида барпо этилди ёки капитал реконструкция қилинди.

Ушбу ўқув муассасаларининг моддий-техник базасини мунтазам янгилаб бориш, тизимли асосда замонавий компьютер техникаси, ўқув-лаборатория ускуналари, мебель ва ўқув анжомлари билан қайта жиҳозлаш, уларни талаб даражасида сақлаш ҳамда яратилган бу улкан салоҳиятдан самарали фойдаланиш мақсадида мутлақо янги бир тузилма — Молия вазирлиги ҳузурида махсус жамғарма ташкил этилди.

Бу жамғарманинг ҳисоб рақамига 2010 йили 315 миллиард сўм маблағ ажратилган бўлса, 2011 йилда 370 миллиард сўм ажратиш кўзда тутилмоқда. Шунинг ўзиёқ бизнинг ушбу масалага қандай катта эътибор бераётганимизни яққол кўрсатиб турибди, десам, ҳеч қандай хато бўлмайд.

Жорий йилда Тошкент шаҳрида Турин политехника университетининг янги, замонавий ўқув комплексининг барпо этилгани биз учун қанчалик катта аҳамиятга эга эканини алоҳида таъкидлашни истардим. Ушбу олий ўқув юрти мамлакатимизда жадал ривожланиб бораётган автомобиль санати ва бошқа тармоқлар учун юқори малакали кадрлар тайёрлайдиган маскан бўлиб хизмат қилади.

Шу давр мобайнида кадрлар тайёрлаш тизими такомиллаштирилди, олий таълим бакалавриат босқичининг 50та йўналиши ва магистратура босқичининг

74та мутахассислиги унификация қилинди, ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим йўналишлари ҳамда мутахассисликларининг янги классификаторлари жорий этилди.

Дастур доирасида 2010 йилда 560та етакчи кластер мактаблари қиймати қарийб 6 миллион АҚШ доллари бўлган 13 минг 500та компьютер техникаси билан таъминланди, 750 дан ортиқ қишлоқ мактаби замонавий ўқув-лаборатория ускуналари ва мультимедиа воситалари билан жиҳозланди, 1,5 мингта қишлоқ мактаби ўқитувчилари умумий қиймати қарийб 13 миллион АҚШ доллари бўлган 3 минг 400та шахсий компьютер билан таъминланди.

Айни пайтда мамлакатимиздаги барча, яъни 12 мингдан ортиқ таълим муассасалари, илмий ва маданий-маърифий ташкilotлар 25 мингдан зиёд ўқув материаллари ва ресурсларни ўз ичига олган Таълим порталига уланди. Бу масофадан туриб ўқитиш усулларини таълим тизимида кенг жорий этиш, ўқувчи ва ёшларга бошқа хил ахборот-коммуникация хизматлари кўрсатиш имконини бериши билан айниқса аҳамиятлидир.

Шу билан бирга, замонавий ахборот ва компьютер технологиялари, рақамли ва кенг форматли телекоммуникациялар, интернетни нафақат мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртларига, балки ҳар бир оилага жорий қилиш ҳаракатлари бугунги кунда тобора кучайиб бормоқда. Айнан замонавий алоқа ва ахборот технологиялари тизимини кенг кўламли ривожлантириш мамлакатимиз ва жамиятимизнинг тараққиёт даражасини кўрсатадиган мезонлардан бири бўлиб хизмат қилади.

Жорий йилда бу борада амалга оширилган ишлар натижасида бугунги кунда юртимизда 6 миллион киши интернетдан фойдаланмоқда, уларнинг ярмини мобил алоқа орқали интернетдан фойдаланувчилар ташкил этади.

2010 йилда Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида кўп дастурли телевизион каналларни тарқатиш хизматларининг сифатини ошириш, халқаро ахборот ресурсларидан фойдаланиш бўйича мутлақо янги имкониятлар яратадиган замонавий рақамли телевидение ишга туширилганини алоҳида таъкидлаш зарур.

Азиз юртдошлар!
Бугунги кунда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида,

айниқса, болалар спортини янада ривожлантириш, ҳар бир шахар ва қишлоқда замонавий талабларга жавоб берадиган, зарур анжомлар билан жиҳозланган спорт майдончалари, иншоот ва мажмуаларни барпо этиш бўйича амалга ошираётган ишларимиз ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Шуни мамнуният билан айтиш керакки, истиқлол йилларида юртимизда 1 минг 200 дан зиёд янги спорт иншооти барпо этилиб, уларнинг мингдан ортиғи қишлоқ жойларда қурилди. Бу эса 260 минг нафардан зиёд боланинг спортнинг кўплаб турлари билан мунтазам шуғулланиши учун имконият яратди.

Қиз болаларни, энг аввало, қишлоқ қизларини спорт билан шуғулланишга жалб этишда жорий йилда сезиларли натижаларга эришилди. «Спорт ҳаётидан ҳеч ким четда қолмаслиги керак» деган шиордан келиб чиққан ҳолда, кам таъминланган оилаларнинг 120 минг нафар қизлари учун 3 миллиард 500 миллион сўмлик спорт кийими ва жиҳозлари харид қилинди.

Яна бир муҳим ҳолатга эътиборингизни қаратмоқчиман. Мамлакатимизда бадиий гимнастикани ривожлантириш дастури қабул қилинган, спортнинг ушбу нафис тури билан шуғулланадиган қизлар сони шу йилнинг ўзида 6-7 баробар, айрим вилоятларда эса 10-12 баробар ортди.

Бу борада ёрқин бир мисолни келтиришни ўринли деб биламан. Куни кеча Хитойда якунига етган ўн олтинчи ёзги Осиё Ўйинларида бадиий гимнастика бўйича қизларимиз ўз истеъдод ва маҳоратини намоён этиб, Осиё қитъаси вакиллари орасида шарафли иккинчи ўринни эгаллашгани мамлакатимизнинг спорт ҳаётида мисли кўрилмаган қувончли воқеа бўлди.

Шу маънода, бу йил ўтказилган 42та халқаро мусобақада юртимиздан иштирок этган 500 нафардан зиёд ёш спортчининг учдан бир қисмини қизлар ташкил этгани айниқса эътиборлидир.

Маълумки, шу йил ёзда Сингапурда бўлиб ўтган биринчи ўсмирлар Олимпия ўйинларида спортчи ёшларимиз муносиб қатнашиб, 9та медални қўлга киритди. Юқорида зикр этилган Осиё Ўйинларида эса Ўзбекистон спортчилари нафақат қитъамиз, балки дунё микёсида ҳам тан олинган қудратли давлатларнинг вакиллари билан кескин беллашувларда 11та олтин,

(Давоми 4-бетда.)

МАМЛАКАТИМИЗНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ЭТТИРИШ — ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИНГ

(Давоми.)

Боши 1-, 2-, 3-бетларда.)

22та кумуш, 23та бронза медали кўлга киритди, умумжамоа ҳисобида саккизинчи ўринни эгаллаб, кучли ўнликдан жой олишга эришди.

Бугунги фурсатдан фойдаланиб, халқаро майдонларда Ватанимиз шон-шуратини бутун дунёга тарангунмун эътиборга олишга эришди.

Бугунги фурсатдан фойдаланиб, халқаро майдонларда Ватанимиз шон-шуратини бутун дунёга тарангунмун эътиборга олишга эришди.

Кўзга кўринган спортчиларимиздан Ришод Собиров, Рустам Қосимжонов, Владимир Тўйчиев, Вадим Меньков, Дилшод Мансуров, Юлия Тарасова, Артур Таймазов, Элшод Расулов, Светлана Радзивил, Серик Мирбеков, Герасим Кочнев, Сергей Борзов, Алексей Боженов, Вячеслав Горн, Алексей Мочалов каби ёшларимиз Осие Ўйинларида олтин медаль соҳиби бўлдилар.

Айниқса, Тошкент давлат жисмоний тарбия институтининг талабаси, каноэда эшак эшиш бўйича икки карра жаҳон чемпиони Вадим Меньков халқимизнинг ҳақиқий ифтихорига айланди. Бу истеъдодли спортчимиз 2010 йилда ўз йўналиши бўйича дунёнинг энг яхши спортчиси деб тан олинди.

Буларнинг барчаси, ўз навбатида, Ўзбекистон терма жамоасининг 2012 йили Лондонда ўтадиган Олимпия ўйинларида муваффақиятли иштирок этишига бўлган ишончимизни янада мустаҳкамлайди.

Футбол бўйича Осие чемпионатида ажойиб ўйин намойиш этган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси келгуси йили Мексикада бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида ҳам ўз маҳоратини кўрсатишига ишонамиз.

Аргентинада бўлиб ўтган ампутант-ногиронлар ўртасида футбол бўйича жаҳон чемпионатида иккинчи марта чемпион унвонига сазовор бўлган Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари ҳақиқий жасорат ва фидоийлик кўрсатиб, ўзларининг метин иродасини намойиш этди.

Шулар ҳақида гапирар эканман, ўз ҳаётини спортга бағишлаб, жаҳон ва қитъа мусобақаларида Ўзбекистон байрогини баланд кўтариб келаётган барча мард ва жасур спортчиларимизга чуқур миннатдорчилик билдириб, катта гуруҳ ва ифтихор билан уларга янги-янги зафарлар тилашга рухсат бергайсиз.

«Баркамол авлод йили» Давлат дастурининг яна бир

устувор йўналишига батафсил тўхталиб ўтишни зарур, деб ҳисоблайман. Бу ўринда гап ёшларимиз ўзлари эгаллаётган энг замонавий билим ва кўникмаларни амалда жорий этиши учун **касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртлари битирувчиларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаларига кенг жалб қилиш ҳақида бормоқда.**

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони муҳим қадам бўлди. Шулар қаторида битирувчиларга ўз бизнесини ташкил этиши учун имтиёзли кредитлар бериш бўйича банкларимиз томонидан амалга оширилган ишлар ҳам эътиборга сазовордир.

Яна бир муҳим масалани қайд этиб ўтмоқчиман. Ҳозирги кескин рақобат шароитида **инновацион технологиялар ва илм-фанни янада ривожлантириш, иқтидорли ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш, ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқаришлари учун уларга зарур шарт-шароитлар яратиш муҳим аҳамиятга эга.**

Бу масалага устувор аҳамият бермасдан туриб, тараққиёт ҳақида сўз юритиб бўлмаслигини барчамиз яхши тушунамиз, албатта. Бугун замоннинг ўзи ушбу масалани сиёсатимизнинг энг муҳим йўналишларидан бири сифатида белгилашни тақозо этмоқда.

Яқинда олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида Президент қарори қабул қилинди.

Ушбу хужжатнинг моҳияти шундан иборатки, илмий кадрлар тайёрлашнинг аспирантура ва докторантура каби эскирган шакллари ўрнига мамлакатимиз олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот муассасаларида стажёр-тадқиқотчи-изланувчилар ва катта илмий ходим-изланувчилар институти жорий этилди.

Энг муҳими, уларни рағбатлантириш, ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш мақсадида стажёр-тадқиқотчи-изланувчиларнинг лавозим маоши стажёр-тадқиқотчилар лавозим маошининг базавий миқдорига, катта илмий ходим-изланувчилар лавозим маошининг ҳажми эса фан

номзоди унвонига эга бўлган катта илмий ходимларнинг маошига тенглаштирилди. Бу амалда ушбу тадқиқотчилар иш ҳақининг 1,6 баробар кўпайишини аниқлади.

Дастурнинг принципиал аҳамиятга эга бўлган яна бир йўналиши хусусида, яъни мамлакатимизда амалга оширилаётган **оилани мустаҳкамлаш, ёш оилалар ҳақида ғамхўрликни кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, соғлом ва мустаҳкам оила барпо этиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш борасидаги кенг қамровли ишларни давом эттириш ҳақида** қисқача тўхталмоқчиман.

Айнан оила бағрида, отонанинг ўзаро меҳр-муҳаббати, ғамхўрлиги муҳитида фарзанднинг дунёга келиши, унинг шахс ва фуқаро сифатида камол топиши ҳақида узоқ гапириб ўтиришга ҳожат йўқ, деб ўйлайман. Ҳалоллик, эзгулик ва меҳрибонлик ҳақидаги тушунчалар, катталарга ҳурмат туйғуси аввало оилада пайдо бўлади, инсоннинг дунёқароши миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида айнан шу муҳитда шаклланади.

Шу сабабли жорий йилда оила институтини кўллаб-қувватлаш бўйича аввалги йилларда бошланган ишларимиз давом эттирилиб, 2,5 минг ёш оилага уй-жой қуриш ва уни жиҳозлаш каби масалаларни ҳал этиш учун тижорат банклари томонидан 107 миллиард 600 миллион сўмлик ипотека ва истеъмолад кредитлари берилди.

Бундан ташқари, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари томонидан нотурар-жой биноларини реконструкция қилиш ва уй-жой харид қилиш учун ҳомийларнинг 5 миллиард 800 миллион сўмлик маблағлари жалб этилди. Шунингдек, 7 минг 200 дан зиёд ёш оилага бепул қорамол берилиб, шу мақсадлар учун 5 миллиард 300 миллион сўм маблағ ажратилди.

Дастур доирасида ёшларда «оммавий маданият» ниқоби остидаги хуружлар, диний экстремизм, халқаро терроризм, халқимизга ёт бўлган ғоя ва қадриятларнинг четдан «экспорт» қилинишига қарши қатъий позицияни шакллантириш бўйича ахборот ва педагогик технологияларнинг замонавий, янги шакллари жорий қилинди.

Табиийки, бу борада «оммавий маданият»нинг савияси паст, енгил-елпи намуналарига қарши ҳақиқий

санъат асарларининг юксак дурдоналарини кенг тарғиб ва ташвиқ қилиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Хурматли дўстлар!
«Баркамол авлод йили» Давлат дастурида белгиланган кўллаб-тадбирларнинг ташаббускори ноҳукумат ташкилотлар бўлгани айниқса эътиборга сазовордир.

Бундай ижобий ҳолат юртимизда фуқаролик жамиятини бунёд этиш борасида эришаётган ютуқларимизнинг амалий намоёни бўлиб, бу ҳақиқатни ҳеч ким инкор этолмайди. Бу давлатимиз ва жамиятимизнинг баркамол авлодни тарбиялаш ва мамлакатимизда фуқаролик жамиятининг мустаҳкам заминини яратиш борасидаги манфаатлари муштарак эканини яққол кўрсатади.

«Баркамол авлод йили» дастурини бажариш учун барча манбалар ҳисобидан жорий йилда қарийб 8 триллион сўм маблағ сарфланганининг ўзи бу борада амалга оширилган ишларимизнинг кўлами ва миқёси нечоғлик улкан эканидан далolat беради.

Фурсатдан фойдаланиб, ана шундай олижаноб ишга муносиб ҳисса қўшган мамлакатимиздаги давлат ва нодавлат ташкилотларга, ишлаб чиқариш корхоналари, фермер хўжаликлари ва тадбиркорлик тузилмаларига, хорижий жамғармалар ва халқаро ташкилотларга, шу залда ўтирган чет эл мамлакатларининг элчи ва вакилларига, шу улуг мақсад йўлида ўзини аямасдан хизмат қилган барча-барча инсонларга ўз номидан, халқимиз номидан самимий миннатдорлик билдиришга рухсат бергайсиз.

Азиз ватандошлар!
Энди сизлар билан қилиб келаётган янги — 2011 йилга қандай ном бериш ҳақида фикрлашиб олишимиз керак.

Бу масалада амалий бир қарорга келиш, яъни янги йилга ўз олдимизга қўйган ягона мақсад йўлида барчамизни бирлаштирадиган аниқ ном беришнинг аҳамияти ва моҳияти ҳақида ортиқча гапиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман.

Мухтасар айтганда, давлатимиз ва жамиятимизнинг, мулк шаклидан қатъи назар, юртимиздаги ишлаб чиқариш корхоналари, ташкилот ёки муассасалар бўладими, юридик ёки жисмоний шахслар, ҳомийлар ва хайрия жамғармалари бўладими — буларни барчасининг куч-имконият ва маблағларини аниқ бир мақсад ва эзгу ниятларни амалга ошириш учун сафар-

бар этиш, бир ёқадан бош чиқариб мавжуд муаммоларни ечиш, бу йўлдаги тўсиқларни бартараф қилишда ушбу масала қандай катта аҳамиятга эга эканини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Бунинг тасдиғини биз ўз ҳаётий тажрибамизда, яъни 1997 йилдан бошлаб кириб келаётган **ҳар қайси янги йилга жамиятимиз, бутун эл-юртимизнинг фикру зикри ва интилишларини бирлаштирадиган, янги куч-қувват бағишлайдиган ном бериб**, шу асосда кўлга киритган ютуқ ва марраларимиз миқолида яққол кўриш мумкин.

Юқорида билдирилган фикр ва хулосаларни инобатга олган ҳолда, мамлакатимизнинг иқтисодий-ижтимоий тараққиётини янги, янада юксак босқичга кўтариш мақсадида мен кириб келаётган 2011 йилни мамлакатимизда **«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили»** деб эълон қилишни таклиф этаман.

Тадбиркорлик ҳақида гапирганда, биз авваламбор хусусий тадбиркорликни ўзимизга тасаввур қиламиз. Айтиш керакки, юртимиз тарихида тадбиркорлик қадим замонлардан буён алоҳида ўрин тутиб келади. Ота-боболаримизнинг ўз ери, ўз мулки, ўз касбу ҳунарига эга бўлиш, омилкорлик билан иш юритиш, тадбиркор ва ишбилармон инсонларни қадрлаш борасидаги анъаналари ҳақида кўп гапириш мумкин.

Мен бу ўринда Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг барчамизга яхши маълум бўлган **«Азми қатъий, тадбиркор, хушёр, мард ва шижоатли бир киши мингта тадбирсиз ва лоқайд кишидан афзалдир»**, деб айтган чуқур маъноли сўзларини яна бир бор эслатмоқчиман.

Албатта, илгариги замонларда тадбиркорлик балки бошқача номлар билан аталган бўлиши мумкин. Аммо, қандай ном билан аталмасин — унинг отини савдогар ёки дўкондор дейдими, ҳунарманд уста ёки касаначи дейдими, каттакичик корхона эгаси дейдими, бундан қатъи назар, аждодларимиз айнан шу соҳа ҳисобидан рўзғор тебратиб, ўз оиласини, эл-юрт манфаатини таъминлаб келган.

Бир сўз билан айтганда, тадбиркорлик, ишбилармонлик халқимизнинг, миллатимизнинг қон-қонига, суяк-суягига сингиб кетган ноёб ва эзгу фазилат, десак, муболага бўлмайди.

Биз мустақилликка эришган дастлабки йиллардан

ҚИЛИШ ЙЎЛИНИ ИЗЧИЛ ДАВОМ МУҲИМ ОМИЛИДИР

бошлаб мамлакатимизнинг келажагини, давлатимиз ва жамиятимизнинг сиёсий-ижтимоий курилишини белгилашда, биринчи навбатда Конституциямизни ишлаб чиқиш ва тасдиқлашда мулк ва мулкрий муносабатлар ҳақидаги принципиал масала доимо эътиборимиз марказида бўлганини таъкидлаш лозим.

Айнан шунинг учун ҳам мамлакатимизнинг кўпқулладли иқтисодиёти таркибида давлат мулки, корпоратив ва хусусий мулкнинг тенглигини эътироф этган ҳолда, Конституциямиз ва қонунчилигимизда хусусий мулк устуворлиги мустаҳкамлаб қўйилди ва унинг ишончли конституциявий кафолатлари таъминланди.

Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тadbirkorlik ўзининг иқтисодиёти-миздаги ўта муҳим ва салмоқли ҳиссаси, роли ва таъсири, содда қилиб айтганда, бошқа ҳеч бир соҳа ва йўналиш ўрнини босолмайдиган катта аҳамияти билан давлат ва жамиятимиз ривожига алоҳида ўрин эгаллайди.

Мустақиллик йилларидаги тараққиётимиз мисолида шуни ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкинки, бу соҳани ривожлантирмасдан, унга тегишли кўмак ва рағбат бермасдан, зарур имконият, имтиёз ва преференциялар яратмасдан туриб, биз иқтисодиётимизнинг келажагини таъминлай олмай-миз.

Ички бозоримизни рақобатдош ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришда, бугунги кунда биз учун энг долзарб масалалардан бири бўлмиш аҳолимизни, авваламбор, ёшларимизни иш билан таъминлаш ва шу аснода уларнинг муносиб даромад топиши, фаровонлигининг оширишига эришишда айни шу соҳани тез ва жадал суръатлар билан ривожлантириш энг асосий омиллардан бири эканини ҳеч унутмаслигимиз даркор.

Шу борада яна бир муҳим масалага эътиборингизни жалб этишни зарур деб биламан.

Кичик бизнес ва хусусий тadbirkorlikнинг изчил ривожланиб боришини таъминлаш орқали биз мамлакатимизда жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий таянчи ва пойдевори бўлган ўрта синфнинг шаклланишига ва унинг тобора мустаҳкам бўлиб боришига эришмоқдамиз.

Барчамизга аёнки, айнан ана шу ижтимоий қатлам — яъни ўрта синф юртимизда амалга ошираётган ислохотларимизни янада чуқурлаштиришдан, мамлақати-

мизнинг изчил ва барқарор ривожланишидан энг кўп манфаатдордир. **Шу боис кичик бизнес ва хусусий тadbirkorlik бугунги кунда жамиятимиздаги ижтимоий ва сиёсий барқарорликнинг кафолати ва таянчига, юртимизни тараққиёт йўлидан фаол ҳаракатлантирадиган кучга айланиб бормоқда.**

Сизларга яхши маълумки, кейинги йилларда юртимизда ушбу соҳа ривожини учун қулай тadbirkorlik муҳити яратиш ва уни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича катта ишлар қилинди.

Бу ҳақда кўп гапирмасдан, биргина мисол келтириш kifоя, деб ўйлайман.

Агар 2000 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 30 фоизи кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган бўлса, қисқа бир даврда, яъни 2010 йил якуни билан бу кўрсаткич қарийб 53 фоизга етиши кутилаётгани, ҳеч шубҳасиз, ана шундай ишларимизнинг мантиқий самарасидир.

Бу ҳақда сўз юритганда, кичик бизнес ва хусусий тadbirkorlik одамларимиз учун янги иш ўринлари очиш, барқарор даромад манбаларини яратишнинг энг муҳим омилига айланаётганига алоҳида эътибор қаратмоқчиман. Ҳозирги кунда мамлакатимиздаги иш билан банд аҳолининг 74 фоиздан ортиғи айнан шу соҳада меҳнат қилаётгани ҳам шундан далолат беради.

Ўзингиз ўйланг, азиз дўстлар, агарки юртимизда шу соҳага ўз вақтида катта эътибор қаратиб, унинг ривожини учун ҳар томонлама йўл очиб бермаганимизда бугун бизнинг куч-қувватга тўлган ёшларимиз бошқаларга ўхшаб қаёққа иш излаб борарди, кимларга муҳтож ва қарам бўлиб кун кўрар эди?

Шу ҳақида ўйлаш, бунинг олдини олиш давлат ҳокимияти идораларининг асосий бурчидир.

Жорий 2010 йилнинг ўзида кичик бизнес ва хусусий тadbirkorlikни ривожлантириш ҳисобидан 480 мингта янги иш ўрни очилгани ҳам юқорида зикр этилган фикрнинг яққол тасдиғи, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан.

Энг муҳими, бу иш ўринларининг 60 фоиздан ортиғи қишлоқларимизда ташкил этилмоқда. Мамлакатимиз аҳолисининг 50 фоизга яқини қишлоқ жойларда яшашини ҳисобга оладиган бўлсак, бу рақамларнинг ижтимоий аҳамиятини, ўйлайманки, тушуниш қийин эмас.

Албатта, кичик бизнес ва хусусий тadbirkorlikнинг кўзга яққол ташланиб турган афзалликлари ва катта имкониятлари ҳақида яна кўп гапириш мумкин. Лекин бугунги кунда Ўзбекистонда бу соҳада ҳали ишга солинмаган жуда катта салоҳият ва имкониятлар мавжуд эканини, дунёдаги тараққий топган давлатларда кичик бизнес ва хусусий тadbirkorlik ялпи ички маҳсулот ҳажмида етакчи ва ҳал қилувчи ўринни эгаллаётганини инобатга оладиган бўлсак, бу йўналишда қиладиган ишларимиз нақадар кўплиги аён бўлади.

Шундан келиб чиққан ҳолда, "Кичик бизнес ва хусусий тadbirkorlik йили" бўйича қабул қилинадиган давлат дастурига **қуйидаги устувор йўналишларга алоҳида эътибор қаратиш зарур.**

Биринчи навбатда кичик бизнес ва хусусий тadbirkorlik субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ушбу соҳа ривожини учун янада кенг йўл очиб бериш мақсадида мавжуд норматив-ҳуқуқий базани танқидий нуқтаи назардан қайта кўриб чиқиш, янги қонун ҳужжатларини қабул қилиш масаласи диққат марказида бўлиши даркор.

Бу ҳақда гапирганда, шуни айтиш керакки, жойларда кичик бўлса ҳам ўз ишини, ўз бизнесини очишга интилаётган хусусий тadbirkorlikни қўллаб-қувватлаш ўрнига, маҳаллий амалдорлар томонидан уларни кўролмаслик, қўлдан иш келадиган одамларнинг йўлига турли-туман ғов-тўсиқлар қўйилаётганига асло тоқат қилиб бўлмайди.

Албатта, кейинги йилларда бундай салбий ҳолатларни бартараф этиш мақсадида тегишли ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, корхоналарнинг молия-хўжалик фаолиятига давлат ва назорат тузилмаларининг аралашувини кескин камайтириш, шунингдек, хўжалик ва тadbirkorlik субъектларининг иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликларини сезиларли даражада кенгайтириш бўйича катта ишлар амалга оширилди. Лекин назорат органларига мансуб айрим мансабдорлар малакасининг пастлиги ҳануз ўткир муаммо бўлиб қолмоқда ва ишимизга салбий таъсир ўтказмоқда.

Шулар қаторида кўпгина вилоят ва туманларда коррупция деган бало, яъни порахўрлик, таъмагирлик, хизмат вазифасини суистеъмол қилиш каби иллатлар учраб тураётганини инкор этиб бўлмайди. **Қонун-**

га зид бўлган бундай ху-нук ҳолатлар билан муро-са қилишга чек қўйишнинг вақти келди.

Навбатдаги устувор йўналиш — кичик бизнес ва хусусий тadbirkorlik фаолияти учун янада қулай муҳит яратишдан иборат.

Ҳаммамизга маълумки, охириги йилларда тadbirkorlik соҳасида ўз ишини очиш учун руҳсат олиш, солиқ, молия ва статистика органларига ҳисобот топшириш масалаларини тартибга солиш бўйича анча ишлар қилинди ва қилинмапти. Буни рад этиб бўлмайди, лекин бу соҳада бажарадиган ишларимиз ҳали кам эмас.

Айни пайтда кичик бизнес субъектларининг энергия, газ, сув ва канализация, иссиқлик таъминоти ва бошқа шу каби муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиши ёки уларни қуришда иштирок этиши учун руҳсат олиш тартиб-қоидаларини соддалаштириш масаласи бўйича ҳам дастурда аниқ чора-тадбирлар белгиланиши ва уларнинг ижросини қатъий назоратга олиш даркор.

Яна бир муҳим масала кичик бизнес ва хусусий тadbirkorlik соҳаси учун солиқ ва бошқа тўловлар борасида қулайлик ва енгилликлар яратиш билан боғлиқдир.

Албатта, сўнгги йилларда хўжалик субъектлари учун ягона солиқ тўлови ставкасини 2005 йилдаги 13 фоиздан 7 фоизга тушириш ёки қарийб 2 баробар камайтириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар кичик бизнес ва хусусий тadbirkorlikни ривожини учун катта имкониятлар туғдирмоқда.

Шу борада кириб келаётган 2011 йилдан бошлаб бу кўрсаткичнинг 7 фоиздан 6 фоизга туширилиши, ҳеч шубҳасиз, давлатимиз томонидан ишбилармон ва тadbirkorlikларга кўрсатилган янги бир имтиёз бўлиб қолажак, деб ўйлайман.

Бу борада амалга оширилаётган ишларимиз билан чекланмасдан, кичик бизнес субъектларига ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технологик янгилаш учун ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган кредитлар бериш тизимини янада такомиллаштириш, мавжуд муаммоларнинг ечимини бўйича амалий чора-тадбирлар кўришимиз зарур.

Айниқса, кичик бизнес ва хусусий тadbirkorlik субъектларининг ташқи иқтисодий фаолият соҳасида иштирок этиши, уларнинг минтақа ва жаҳон бозорларига чиқишини кенгайтириш муаммосини ҳал этишга жиддий аҳамият қаратишимиз лозим.

Алоҳида катта эътиборни талаб этадиган яна бир масала шуки, ҳозирги вақтда юртимизда кичик бизнес ва хусусий тadbirkorlik асосан савдо-сотик, хизмат ва алоқа соҳасида, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича кўпроқ ривож топмоқда.

Лекин, шу билан бирга, саноат соҳасида, юқори технологияларни талаб этадиган замонавий ишлаб чиқариш тармоқларини ташкил этишда, инновацион ва нанотехнологиялар, фармакология ва фармацевтика, ахборот-коммуникация тизими, биотехнология, муқобили энергетика турларидан фойдаланиш соҳасида, мухтастар айтганда, **илғор илм-фан ютуқларига асосланган кичик бизнес ва хусусий тadbirkorlikни ривожлантиришга кенг йўл очиб беришимиз зарур.**

Айтиш жоизки, мен дастурдан ўрин олиши керак бўлган энг муҳим йўналишларнинг фақат айрим жиҳатлари ҳақида қисқача фикр билдирдим, холос.

Ўз-ўзидан аёнки, дастурни конкрет мазмун билан тўлдириш, ечимини кутиб турган долзарб муаммоларни ҳал қилиш учун ҳукумат қарори билан бу масала бўйича махсус ишчи комиссия тузиш ҳамда етакчи мутахассисларимиз, авваламбор тadbirkorlikларнинг ўзини бу ишга жалб қилиб, ҳар бир йўналишни атрофлича, чуқур ва пухта ишлаб чиқишимиз даркор.

Бу борада мамлакатимиздаги давлат ва нодавлат ташкилотлар, кичик бизнес эгалари, фермер ва тadbirkorlikлар, ҳомийлар, бир сўз билан айтганда, кенг жамоатчилигимиз ўз фикрлари ва амалий таклифлари билан фаол иштирок этади, деб ўйлайман.

Шу фурсатдан фойдаланиб, такрор ва такрор айтишни истардим: **кичик бизнес ва хусусий тadbirkorlik — жамиятимизнинг, бугунги ва келажак тараққиётимиз, фаровон ҳаётимизнинг мустаҳкам таянчи бўлиши шарт.**

Айнан ана шундай қараш, ана шундай ёндашув бизнинг иш фаолиятимизда, авваламбор, олдимизда турган ўта муҳим ва долзарб вазифаларни амалга оширишда асосий мезон ва йўлланма бўлишига ишонман ва барчангизга айни шу мақсад йўлида куч-ғайрат ва янги-янги омадлар тилайман.

Азиз ватандошларим, кадрдонларим!

Сизларни Конституциямиз байрами билан яна бир бор табриклаб, ҳаммангизга сизнинг саломатлиги, хонадонларингизга файзу ба-рака тилайман.

БЕТИМСОЛ ЮТУҚЛАРИМИЗНИНГ ХУҚУҚИЙ АСОСИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизда истиқлол йилларида демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида эришаётган барча ютуқларимиз, ҳаётимизга янги мазмун бағишлаётган ислохотлар замирида Конституциямизда мустақамланган ҳуқуқ ва асосий таъминлар мужассам эканини алоҳида таъкидлади.

Эркин ва фаровон жамият куриш, Ватанимизнинг салоҳияти ва қудратини, халқимизнинг турмуш даражасини юксалтириш борасида эришаётган барча муваффақиятларимиз Конституциямизда белгилаб қўйилган ҳуқуқий асосларга қатъий

амал қилиб келаётганимизнинг самарасидир.

Мамлакатимизни ислох этиш ва демократлаштириш жараёни ҳеч қачон ортга қайтмайдиган, қатъий ва изчил тус олгани, одамларимизнинг сиёсий ва фуқаролик фаоллиги ошаётгани, онгу тафаккури юксалиб, Ватан тақдирига дахлдорлик туйғуси, эртанги кунга ишончи ортиб бораётгани бунинг яққол тасдиғидир.

Ўтган давр мобайнида халқимизнинг фидокорона меҳнати туфайли қўлга киритган улкан ютуқларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз. Мамлакатимизнинг изчил юқори ўсиш суръатлари, юртимизда барпо этилган банк-молия тизимининг барқарор ва ишончли фаолият юритиши, иқтисодиётда амал-

га оширилаётган янгиликлар ва ўзгаришлар дунё жамоатчилиги томонидан эътироф этилмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан 2010 йил — Баркамол авлод йили деб эълон қилинган эди. Бу борада махсус давлат дастури ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилмоқда.

Болалар ҳамда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга, уларни уйғун камол топтиришнинг ҳуқуқий асосларини мустақамлашга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор берилди.

Оналар ва болалар саломатлигини ҳимоя қилиш, фарзандларимизни спортга кенг жалб этиш, болалар спорт объектларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, ўрта махсус, касб-хунар таълими

муассасалари ва олий ўқув юртлари битирувчиларини иш билан таъминлаш борасида кенг кўламли ишлар бажарилди.

Мухтасар қилиб айтганда, фарзандларимизни XXI аср талабларига жавоб берадиган инсонлар этиб вояга етказишдек эзгу мақсад йўлидаги бундай ишлар изчил давом этмоқда.

Президентимиз Ислон Каримов кириб келаётган янги — 2011 йилни мамлакатимизда «Кичик бизнес ва хусусий тadbirkorlik yili» деб эълон қилишни таклиф этди. Давлатимиз раҳбарининг бу таклифи йиғилганлар томонидан гулдурор қарсақлар билан қўллаб-қувватланди.

Тантанали маросим санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг байрам концерти билан яқунланди.

(ЎзА)

ВАТАНИМИЗНИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Барчангиз яхши хабардорсиз, халқимиз, мамлакатимиз дуч келган айрим қийинчиликларга қарамасдан, жорий йил биз учун ҳар томонлама баракали, омадли бўлди. Буни машаққатли меҳнат ва катта фидойилик эвазига эришган ютуқ ва марраларимиз амалда тасдиқлаб бермоқда.

Миришкор деҳқон ва фермерларимизнинг ҳалол меҳнати ва омилкорлиги билан юртимиз бўйича қарийб 7 миллион тонналик улкан ғалла хирмони бунёд этишга эришдик. Айниқса, барча вилоят ва туманлар ўз шартнома мажбуриятларини шараф билан адо этгани, кўплаб фермер хўжаликлари ҳосилдорликни 55—67 центнерга етказгани мисолида буни яққол қузатиш мумкин.

Пахтачилик соҳасини оладиган бўлсак, деҳқонларимиз 3 миллион 400 минг тоннадан зиёд ҳосил етиштиргани ва унинг 90 фоизи юқори навларга топширилгани, ҳеч шубҳасиз, юртимиз деҳқончилик тарихидаги яна бир ёрқин саҳифа бўлди.

Бу ютуқларга ўз ишининг устаси ва фидойиси бўлган сиз каби минг-минглаб далада ишлайдиган инсонларнинг билим ва тажрибаси билан, меҳнат, меҳнат ва яна бир бор меҳнат ҳисобидан эришдик, — деди Ислон Каримов. — Бошқа соҳаларда ҳам, саноатни оласизми, курилиш, йўл қурилиши ёки кичик бизнес ва хусусий тadbirkorlikни оласизми, бизга қувонч бағишлаб, бошқаларнинг ҳавасини тортаётган бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi даврида кўпгина мамлакатларда иқтисодий ўсиш суръатлари пасайиб, ривожланишдан тўхташ ҳолатлари юз бераётган бир пайтда Ўзбекистон дунёдаги санокли давлатлар қаторида барқарор ўсиш суръатларини сақлаб қолмоқда. Жорий йилда юртимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати 8,5 фоизни ташкил этаётгани бунинг ёрқин далилидир. Ишонаман, янги 2011 йилда ҳам, иншооллох, ўсиш суръатларимиз бундан кам бўлмайди.

Биз учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган таълим-тарбия соҳасини оладиган бўлсак, таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустақамлаш, янги ўқув масканлари барпо этиш бўйича қилинаётган улкан ишлар ҳақида ҳар бирингиз ўз шаҳар ва қишлоғингиз ҳаётдан кўплаб мисолларни келтиришингиз мумкин, деб таъкидлади Юртбошимиз.

Тиббиёт соҳаси учун давлат бюджетидан 1 триллион 700 миллиард сўмдан ортиқ, яъни 2009 йилга нисбатан 30 фоиз, 2008 йилга нисбатан эса икки баробар кўп маблағ сарфлангани инсон ҳаёти ва саломатлиги биз учун энг катта бойлик эканининг яна бир амалий намоёнидир.

Шулар қаторида илму фан, маданият ва санъат, спорт соҳаларида, халқимиз маънавиятини юксалтириш бўйича йил давомида амалга оширган ишларимизнинг салмоғи ва аҳамиятини ҳеч қандай рақам билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайди, албатта.

Айниқса, Ватан ҳимоячиси бўлган жасур ва фидойи ҳарбийларимиз, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг мардонавор хизмати туфайли юртимизда тинчлик ва барқарорлик ҳукм сурмоқда, ҳар қайси маҳалла, ҳар қайси оилада хотиржамлик, осуда ҳаёт, эртанги кунга бўлган ишончимиз янада мустақамлашиб бормоқда ва бу бизнинг энг катта ютуғимиздир, деди давлатимиз раҳбари.

Шу маънода, юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон, миллати, тили ва динидан қатъи назар, мана шундай юксак ютуқларда менинг ҳам ҳиссам бор, деб гурур ва ифтихор билан гапиришга тўла ҳақлидир.

Шулар ҳақида гапирар эканмиз, биз аввало, ҳар қайси катта-кичик жамоада ўз фаолияти, ақл-заковати, билим ва тажрибаси, олижаноб фазилатлари билан бошқаларга ўрнак бўлаётган етакчиларни алоҳида ва катта миннатдорлик билан тилга оламиз.

Шу нуқтаи назардан қараганда, сиз азизларнинг ҳар бирингиз ва шу кунларда жойларда давлат мукофотларини қабул қилиб олаётган барча юртдошларимиз-

нинг шу йўлда қилган хизматингиз, қўшган ҳиссангизни ҳар қанча таърифласак арзийди, албатта.

Она Ватанимизни равнақ топтиришда ўзини аямасдан, кунни кун, тунни тун демасдан меҳнат қилаётган, Ўзбекистоннинг залворли юқини ўз елкасида кўтариб келаётган инсонлар сифатида сизлар бундай ҳурмат-эҳтиромга ҳар томонлама муносибсиз.

Айниқса, Баркамол авлод йили деб ном олган 2010 йилда мукофотларга сазовор бўлган ватандошларимиз орасида турли соҳаларда ўзининг дастлабки умидбахш ютуқлари билан ҳаммамизни қувонтираётган азму шижоатли ёшларимизнинг муносиб вакиллари борлиги барчамизга қувонч бахш этади, деди Ислон Каримов.

Шундан сўнг Президентимиз давлатимизнинг юксак мукофотларини тантанали равишда топширди.

— Бугун сизлар учун, оила аъзоларингиз, яқинларингиз, ҳамкасб дўстларингиз учун катта тантана, катта хурсандчилик, — деди давлатимиз раҳбари. — Сизларга юксак унвон, орден ва медалларни топширар эканман, бамисоли барчангизнинг қаддиқоматингиз янада баланд бўлиб, юзларингиз янада яшнаб-яшариб кетгандек туюлмоқда. Худдики ўзимни ҳам сизларнинг қаторингизда мукофот олгандек ҳис қилаяман. Шунинг учун бугун оила ва ёру дўстларингиз даврасида мукофотларни нишонлар экансиз, мени ҳам даврангизда бордек, орангизда ўтиргандек ҳис қилсангиз, ўзимни бахтиёр деб биламан.

Ватанимиз, халқимизнинг улкан ҳурмат ва эътибори рамзи бўлган бу юксак мукофотлар ҳаммангизга буюрсин.

Барчангизни Конституциямиз байрами билан яна бир бор таъриқлаб, сизларга сихат-саломатлик, бахту саодат, хонадонларингизга файзу барака тилайман, деди пировардида Юртбошимиз.

Мукофотланганлар юксак эътибор ва ғамхўрлиги учун Президентимизга самимий миннатдорлик билдирдилар.

(ЎзА)

ЭЪТИБОР ВА РАҒБАТНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ

Халқимизнинг энг улуғ ва энг азиз байрами — мамлакатимиз мустақиллигининг 19 йиллиги арафасида Президентимиз Ислон Каримов фармонига биноан турли соҳаларда фидокорона меҳнат қилаётган бир гуруҳ юртдошларимиз Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланган эди. Аънаана кўра, Конституция байрами арафасида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, вазирлик ва идораларда ана шу мукофотлар тантанали тарзда топширилмоқда.

Истиқлол йилларида азим пойтахтимиз янада чирой очиб, унда ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий, шаҳарсозлик соҳалари жадал равнақ топмоқда. Энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Ватанимиз мустақиллигининг 19 йиллиги муносабати билан пойтахтимиздаги қурилиш-бунёдкорлик, ободонлаштириш, таъмирлаш ишлари ҳажми янада ортди. Кўплаб маъмурий иншоотлар, ўқув муассасалари, болалар мусиқа ва санъат мактаблари, оилавий поликлиникалар, маънавият ва маърифат масканлари, спорт мажмуалари куриб фойдаланишга топширилди.

Конституция куни арафасида Тошкент шаҳар ҳокимлигида иқтисодий, ижтимоий, маданий-маърифий, соғлиқни сақлаш, қурилиш-ободонлаштириш, ишлаб чиқариш, таълим, спорт соҳаларида самарали меҳнат қилаётган бир гуруҳ ҳамюртларимизга Ватанимизнинг юксак мукофотлари тантанали равишда топширилди.

Мукофотларни Ўзбекистон Республикаси Бош вазир Ш.Мирзиёев топширди.

* * *

Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар жараёнида миллий маънавиятимизни тиклаш, бой тарихий меросимизни чуқур ўрганиши, умрбоқий аънава урф-одатларимизни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу йўналишда меҳнат қилаётган ижодкорларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш — давлатимизнинг доимий эътиборида.

Жорий йилда ҳам Ватанимиз мустақиллигини мустақамлаш, халқимиз маданияти ва маънавиятини юксалтириш ишига қўшган муносиб ҳиссаси, ёрқин истеъдоди ва ижоди, илмий фаолияти, ҳалол хизмати, ёшларни она юртга муҳаббат руҳида соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун санъат, маданият, оммавий ахборот воситалари, маънавият ва маърифат, ижтимоий соҳаларда меҳнат қилаётган бир гуруҳ ҳамюртларимиз фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирланди.

Ўзбек Миллий академик драма театрида ушбу мукофотларни тантанали топшириш маросими бўлиб ўтди.

Мукофотларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов топширди.

Мукофотланганлар юксак ишончи ва эътибори учун Президентимизга самимий миннатдорлик билдирдилар, юртимизда самарали ва ҳалол меҳнат ҳамиша эъзозланиб келаётганини, бундай юксак эътибор ва ғамхўрлик янада ғайрат билан ишлашга ҳамда эл-юртимиз тараққиёти ва фаровонлигига муносиб ҳисса қўшишга ундашини таъкидладилар.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

✓ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ ПЕДАГОГИКА КУТУБХОНАСИ ҲАМКОРЛИГИДА «ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ АХБОРОТ-РЕСУРС МАРКАЗИ МУТАХАССИСИ» КЎРИК-ТАНЛОВИНИНГ РЕСПУБЛИКА БОСКИЧИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Дастлаб вилоятлардан ташриф буюрган иштирокчилар пойтахтнинг диққатга сазовор масканлари бўйлаб саёҳат қилдилар. Иштирокчилар ўз тақдиротлари, тест саволлари, мутахассислик бўйича библиографик кўрсаткичлари ҳамда компьютер саводхонлиги бўйича беллашдилар. Фарғона вилояти вакиллари олий ўринга ҳамда Сурхондарё, Жиззах ва Бухоро вилоятлари ахборот-ресурс маркази ходимлари биринчи ўринларга сазовор бўлишди.

Иккинчи ва учинчи ўринга муносиб топилган жамоалар ҳам муносиб тақдирландилар.

Феруза ХОЛМУРОВОВА
«Ma'rifat» мухбири
В.ГРАНКИН олган сурат.



✓ ТОШКЕНТ ШАҲАР ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШ БОШҚАРМАСИДА ЖАНУБИЙ КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ СЕУЛ ТАЪЛИМ ДЕПАРТАМЕНТИ ВАКИЛЛАРИ БИЛАН РАСМИЙ УЧРАШУВ БЎЛИБ ЎТДИ.

Маъмур учрашув 1995 йилда имзоланган ҳамкорлик шартномаси доирасида ташкил этилди. 1998 йилдан ҳозирга қадар шаҳар умумтаълим мактаблари ўқувчиларидан 42 нафари Корёя таълим муассасаларида 3 йил муддатгача таълим олиш ҳуқуқини қўлга киритган бўлса, 100 нафардан ортиқ педагог ходимлар Сеул шаҳрида ўзаро тажриба алмашиб қайтди.

Тадбирда ана шу ҳамкорликни янада фаоллаштириш мақсади қўйилди. Унда Сеул таълим департаменти вакиллари пойтахтимиздаги умумтаълим мактаблари ўқувчиларига 125та компьютер совға қилишди. Шунингдек, мамлакатимиздаги корейс тили ўргатиладиган 17та мактаб ҳамда Жанубий Корёя Республикасидаги мактаблар ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, таълим муассасаларини электрон воситалар билан таъминлаш хусусида қўшимча таклифлар билдирилди.

Ғолиб БАХРОМОВ,
«Ma'rifat» мухбири



✓ 8 ДЕКАБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ 18 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ПОЙТАХТИМИЗНИНГ ҲАМЗА ТУМАНИДАГИ 149-МТМДА «ЖАННАТ ЎЛКАМ» МАВЗУСИДА БАЙРАМ ТАДБИРИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Тадбир аввалида муассасада болалар учун яратилган шароитлар билан ота-оналар ва меҳмонлар танишди, кичкинтойларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини билишга йўналтирилган машғулотлар кузатилди.

Тадбирда болажонлар бурро тилларида Ватан ҳақида шеърлару қўшиқлар айтишди, давлатимиз рамзлари — герб ва байроқни тасвирлаб берди.

Лутфия СУЯРОВА



✓ ЧИЛОНЗОР ТУМАНИДАГИ 178-ДАВЛАТ ИХТИСОСЛАШГАН УМУМТАЪЛИМ МАКТАБИДА ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ ДОИРАСИДА ЎТКАЗИЛАЁТГАН ТАДБИРЛАРДА ЎҚУВЧИЛАР, УС-ТОЗ-МУРАББИЙЛАР ҲАМДА ТУМАН ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ БЎЛИМИ ИНСПЕКТОРЛАРИ ФАОЛ ИШТИРОК ЭТМОҚДА.

Ўқувчиларнинг ёнгин содир бўлганда қандай ҳаракат қилишлари лозимлиги, тез аланга олувчи буюмлар билан эҳтиёткор муносабатда бўлиш, куз-мавсумида хазонларни ёқмаслик ва янги йил байрамларида пиротехник воситалардан фойдаланмаслик ҳақида мутахассисларнинг маслаҳат ва йўл-йўриқлари бу борадаги билимларни мустақамлашга хизмат қилмоқда. Хусусан, таълим даргоҳига эндигина қадам қўйган 1-синф ўқувчилари ўртасида расмлар танлови ташкил этилиб, ғолиб ўқувчилар рағбатлантирилди. Бошланғич синф ўқитувчиси Нигора Зокирова уларга нималарни чиқиш мумкинлиги ҳақида керакли маслаҳатларни бергани айни муддао бўлди.

Яна бир ёдда қоларли учрашувда Чилонзор ТИБ ЁХБ инспектори, сержант Адҳамжон Усанов иштирок этиб, ўқувчиларга куз ва қиш фаслида ёнгин чиқарувчи воситалардан фойдаланмаслик, мактабда ва бошқа ерларда ёнгин содир бўлганда нималар қилиш лозимлиги, бирламчи ёнгин ўчирувчи воситаси ОП-5 ҳақида маълумот берди.

МУХБИРИМИЗ

✓ ОЛТИН КУЗ ЎЗ ЎРНИНИ БЎШАТИБ, ҲАТТО КУМУШ ҚИШ НИШОНАСИ — БИРИНЧИ ҚОР ҲАМ ЁҒДИ.

Учтепа туманидаги 245-мактабда бошланғич таълим ўқитувчилари томонидан туман бошланғич таълим ўқитувчилари учун семинар ўтказилди. Мактабга ташриф буюрган туман халқ таълими бўлими бошланғич таълим услубчилари ва ўқитувчилар математика, она тили, ўқиш, табиат, жисмоний тарбия фанларидан ташкиллаштирилган очик дарсларни ҳамда 3-«А» синфида ўтказилган «Олтин куз» мавзусидаги очик тарбиявий соатни кузатди.

Семинар сўнгида мутахассислар ўзлари кузатган дарслари юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирдилар ҳамда ўзига хос янгиликларни оммалаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқишди.

А.ҚОБИЛОВ

✓ РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ТАРҒИБОТ МАРКАЗИДА ТОШКЕНТ ШАҲАР МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ КЕНГАШИ БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА ЎТКАЗИЛГАН «КОНСТИТУЦИЯ — ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИМИЗ КАФОЛАТИ» МАВЗУСИДАГИ МАЪНАВИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАРҒИБОТ ТАДБИРИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛАРИ, ҲУҚУҚШУНОС ОЛИМЛАР, ТЕАТР ВА САНЪАТ АРБОБЛАРИ ҲАМДА ТДЮИ ВА АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ ЎҚУВЧИЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ.

Тадбирда сўзга чиққанлар Асосий Қонунимизнинг қабул қилиниши натижасида сиёсий соҳа, давлат ва жамият қурилиши борасида ҳар томонлама ривожланиш ва юксалиш бўлаётганини таъкидладилар.

Маҳмуда ВАЛИЕВА

УЧ ЙЎНАЛИШДА БИР МАҚСАД

В.Успенский номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейига тўпланган мактаб ўқувчилари натижа эълон қилинишини бесабрлик билан кутишарди. Фахрли ўринлар кимга насиб этаркан? Якуний босқичга иши тақдим этилганлар ҳам анчагина, ҳар бир ўқувчи ғолибликка даъвогар.

Дарҳақиқат, «Конституциямиз — бахтимиз пойдевори» шиори остида 2001 йилдан бери ўтказилиб келинаётган кўрик-танловнинг якуний босқичи ҳаяжонли лаҳзалар билан бошланди. Тасвирий санъат, иншо, видеоролик йўналишларида бундан аввалги босқичда биринчи ўринни эгаллаган мактаб ўқувчиларидан бир гуруҳининг бу ерга тўпланиши ўсиб келаётган авлод қалбида мамлакатимиз Асосий Қонунига нисбатан чексиз хурмат-эҳтиром шаклланаётганидан далолат беради. Миллий Конституциянинг мазмун-моҳиятини фарзандларимизга пухта ўргатиш, унинг инсонпарварлик, демократик ва адолатпарварлик тамойилларини ёзма ишларда, тасвирий санъат намуналарида, кўргазмалари воситаларда ифодалаш — кўрик-танловнинг бош вазифасидир. Танловнинг қуйи босқичларида миллионлаб мактаб ўқувчиларининг иштирок этиши ва ғолибларнинг сараланиши ижобий маънодаги рақобат майдонини вужудга келтирди.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг «Таълим муассасаларида 8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган

кун — умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги шу йил ноябрь ойида қабул қилинган буйруғида кўрик-танловнинг якуний босқичини юқори савияда ўтказиш билан боғлиқ вазифалар ўз ифодасини топган. Ушбу буйруқда мамлакатимиздаги барча умумтаълим мактабларида ноябрь, декабрь ойларида маънавий-маърифий тадбирларни кенг доирада ташкил этиш зарурлиги ҳам қайд қилинган.

Ташкилотчилар — Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Адлия вазирликлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, республика «Тасвирий ойна» ижодий уюмаси, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, Ўзбекистон Бадиий академияси вакиллари билан иборат ҳакамлар ҳайъати уч йўналишдаги энг сара ишларни аниқлашди. Тасвирий санъат йўналишида Хоразм вилояти Гурлан туманида 8-синф ўқувчиси Ойгул Жуманова, иншо ёзишда энг юқори натижани кўрсатган Тошкент шаҳридаги 20-умумтаълим мактаби 9-синф ўқувчиси Феруза Ҳожиёва, видеоролик яратиш бўйича ўзига хослиги билан ажралиб турган Андижон вилояти Кўргонтепа туманидаги 3-умумтаълим мактаби ўқувчиси Иброҳим Отажонов биринчи ўринга сазовор бўлди. Иккинчи ва учинчи ўрин соҳибларидан ташқари, «Энг фаол иштирокчи» номинациясини қўлга киритган ўқувчилар ҳам аниқланди.

Ғолибларга ташкилотчиларнинг диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Ҳ.КУЗМЕТОВА

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази томонидан «Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш тажрибаси ва илмий назарий асоси» мавзусига бағишланган республика илмий амалий анжумани бўлиб ўтди.

Унда Олий Мажлис депутатлари, вазирлик ва марказ ходимлари, юртимиздаги олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари вакиллари, профессор-ўқитувчилар иштирок этди.

Икки кун давом этган маъмур анжу-

ТАЪЛИМ РИВОЖИ ЙЎЛИДА

ман Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимини модернизация қилиш ва ривожлантиришга қаратилди. Йиғилишнинг ялпи мажлисида дастлаб, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Исмоил Саифназаров иштирокчиларга мамлакатимизда олиб борилаётган таълим ислохотлари ва унинг ҳуқуқий асослари тўғрисида маълумот берди.

Мажлис давомида ЎЗР ФА вице-президенти С.Ғуломовнинг «Таълим ва фан интеграцияси — жамиятни модернизация қилиш истиқболлари» ҳамда ОУМКХТни ривожлантириш маркази фундаментал лойиҳа ижроси, профессор Б.Зиёмухаммедовнинг «Педагогик технологияни таълим-тарбия жараёнига татбиқ қилишнинг назарий-амалий асослари ва унинг баркамол авлодни шакллантиришдаги ўрни» мавзусида қилган маърузалари иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Тадбирнинг иккинчи кунини йиғилиш бешта шўъбада олиб борилди. Маърузачилар ўз чиқишларида таълим муассасаларини бошқаришнинг ташкилий-ҳуқуқий асоси ва улар фаолияти бошқарувини такомиллаштириш, ривожланаётган бозор ўқитисоди талаблари асосида давлат таълим стандартлари, ўқув режа ва фан дастурларини унификациялаш ҳамда услубий таъминотни яратиш, узлуксиз таълимнинг узвийлашган ва интеграллашган фан дастурларини яратишнинг илмий-амалий асосини ишлаб чиқиш, талаба ва ўқувчиларни фаол бўлишга ва танқидий

фикрлашга ундовчи дидактик усулларни кенг қўллашга эришиш, таълим муассасалари ўқув-тарбия жараёнига замонавий педагогик технология ва илгор тажрибаларни жорий этиш ва мустақил таълимни самарали ташкил қилиш, таълим муассасаларида ижтимоий фаол шахсни шакллантириш, таълим тизими раҳбар кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини ривожлантириш ва бошқариш каби масалаларга тўхталиди. Анжуман якунида кўтарилган мавзу юзасидан тавсиялар қабул қилинди. Таъкидландики, келгусида маъмур тавсиялар таълим тизимини янада такомиллаштиришда, шунингдек, давлатимиз салоҳиятини юксалтиришга ўз хиссасини қўшадиган малакали кадрлар тайёрлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Аброр УМАРҚУЛОВ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ



ректорати,
профессор-ўқитувчилари ва талабалари жамоаси
мамлакатимиз аҳолисини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси
қабул қилинганлигининг 18 йиллиги билан самимий муборакбод этади!
Барчага тинчлик-хотиржамлик, узоқ умр, бахт-саодат тилаймиз!

42-модда.

Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади.

Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади.

(Ўзбекистон Республикасининг Конституциясидан)



БАЙРАМ БАРЧАГА МУБОРАК БЎЛСИН!


АЖИНИЁЗ НОМИДАГИ НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ректорати, профессор-ўқитувчилари,
институтнинг жамоат ташкилотлари
ҳамда кўпмингсонли талабалари
мустақил юртимизда истиқомат
қилаётган барча миллат ва элатларни
**8-декабрь Ўзбекистон Республикаси
Конституцияси қабул қилинганлигининг
18 йиллик байрами билан қутлайди!**



Азиз юртдошлар, муҳтарам фан ва
таълим соҳаси фидойилари!

Барчангизга бахт-саодат,
шахсий ҳаётларингизда улкан
зафарлар тилаб қоламиз.

Айёمتасиз муборак бўлсин!



ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ




*Ўзбекистон Республикаси
Конституцияси қабул
қилинганлигининг 18 йиллик
байрами билан юртимиздаги
таълим-тарбия соҳаси
ходимларини, устозу
мураббийларни, барча фуқароларни
самимий муборакбод этамиз!
Оилавий бахт, ишларингизда
зафарлар ҳамроҳ бўлсин!*




НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ

*Мухтарам юртдошлар!
Республикамизнинг барча олий таълим муассасаларида
фаолият юритаётган ҳамкасблар!
Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни байрами
барчангизга муборак бўлсин!
Азиз ўқитувчи ва мураббийлар, баркамол авлодни, етук
мутахассисларни тарбиялашдек сермашаққат,
айни пайтда шарафли
касбнинг заҳматли меҳнати
йўлида барчангизга сабр-
бардош, куч-қувват, улкан
зафарлар тилаймиз.*



*55-модда. Ер, ер ости
бойликлари, сув, ўсимлик ва
ҳайвонот дунёси ҳамда
бошқа табиий захиралар
умуммиллий бойликдир,
улардан оқилона фойдаланиш
зарур ва улар давлат
муҳофазасидадир.
(Ўзбекистон
Республикасининг
Конституциясидан).*



БАХТИМИЗ ПОЙДЕВОРИ

лас, ҳаётимизнинг қайси жабҳасини олмайлик, буларнинг барчаси Конституцияда мужассамлаштирилган. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, «...Бизнинг Конституциямиз умуминсоний ғоялар, тенглик, эркинлик, биродарлик, халқлар ва миллатлараро дўстлик, мамлакат ва дунё барқарорлиги каби энг улуғ ғояларга хизмат қилади».

Бу йил халқимиз Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинган сананинг 18 йиллигини нишонламоқда. Куйида тайёрланган лавҳаларда Бош Қонуннинг муайян бир шахс тақдирида ўзига хос аҳамият касб этаётганлиги ифодаланган.

«Касаба уюшмалари ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ва манфаатларини ифода этадилар ва ҳимоя қиладилар. Касаба ташкилотларига аъзо бўлиш ихтиёрийдир».

(Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 59-модда).

*Ijtimoiy
himoya*



МЕҲНАТ САМАРАДОРЛИГИ ОМИЛИ — ҒАМХҲҮРЛИК

Шеробод туманида таълим ходимлари — педагоглар, мураббийлар, тарбиячилар, меҳнат фахрийларининг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш тизими намунали йўлга қўйилган бўлиб, бу вазифа 67та бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти зиммасига юклатилган. Улар ишини мувофиқлаштириб бориш, педагог ходимлар учун намунали меҳнат шароити яратиш, амалдаги қонунчилик ижросини йўлга қўйишда бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш туман бирлашган касаба уюшма кўмитаси олдидаги энг муҳим вазифага айланган.

5619 нафар касаба уюшма аъзоси Шеробод туманидаги

таълим муассасаларида меҳнат қилаяпти. Шулардан 101 нафари нафақа ёшидаги педагоглар бўлиб, ўз билим ва тажрибаларини ёш ўқитувчиларга ўргатиб келишмоқда. 201 нафар кам таъминланган ходим, 68 нафар ногиронга алоҳида ғамхўрлик кўрсатиляпти.

— Касаба уюшма ташкилоти ҳар бир ходимни қўллаб-қувватлаш, унга нисбатан ноҳақлик бўлганда ҳуқуқларини ҳимоялашга кўмаклашишига алоҳида эътибор берилади, — дейди туман бирлашган касаба уюшма кўмитаси раиси Раъно Холмирзаева. — Иш берувчилар билан аъзолар ўртасида тузилган жамоа шартномалари ҳар бир таълим даргоҳида расмийлаштириб қўйила-

ди. Бунга мувофиқ, улар учун намунали меҳнат шароити яратилиши керак. Уларнинг ўз вақтида ойлик маошларини олишлари, таътил даврида соғлиқларини тиклашлари учун зарур имкониятлар яратилмоқда. Бу йил 6 нафар халқ таълими ходимига турли санаторий ва дам олиш масканларида дам олиши учун йўлланма ажратилди. Педагогларнинг 57 нафар фарзанди таътил даврини тоғли ва манзарали жойлардаги оромгоҳларда ўтказди. Бу ишларнинг барчаси, албатта, ҳар бир ходимнинг меҳнат фаолияти самарадорлигини таъминлайди.

Норкуват ТҲРАЕВ
Сурхондарё вилояти.

«Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб-асрашга мажбурдирлар. Маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасидадир».
(Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 49-модда).

ЁДГОРЛИКЛАР АСРАБ-АВАЙЛАНАДИ

Бугун ўқувчилар орзиқиб кутган кун — якшанба. Улар саёҳатга пухта тадорик кўришган. Кимдир фотоаппарат олган, яна кимдир видеокамера, ёндафтарча билан ручкани афзал кўрганлар ҳам бор. Ўқувчилар кўз ўнгида асрий миноралар, осори-атиқалар, нилий гумбазлар кўр тўкиб турибди. Тарих музейидаги «Қадимги Хоразм» бўлимини айланган кишининг бир ҳайратига ўн ҳайрат қўшилади.

— Бугунги саёҳат дарсимиз Хива шаҳридаги тарихий ёдгорликларни ўрганишга бағишланган, — дея болалар диққат-эътиборини бир жойга жамлади муаллима Насиба Жабборова. — Аждодларимиздан бизга қадар етиб келган ушбу осори-атиқалар барчамизни ҳайратга солади. Тарих кўзгуси ҳисобланган маданият ёдгорликларини асраб-авайлашга ҳар бир фуқаро масъулдир. Давлат муҳофазасига олинган маданий ёдгорликларнинг бус-бутун сақланганлигидан қалбимиз ғурурга тўлади.

Ҳикоя қилаётганимиз — Шовот туманидаги Чигатой-қалъа қишлоғида жойлашган 21-мактабнинг 9-синф ўқувчилари ўша куни кечга қадар ёдгорликларни томоша

қилишди, суратга туширишди. — Хива шаҳрининг 2500 йиллиги олдида катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилди, — дея ёш саёҳатчиларга ахборот берди бўлим мудири Баҳодир Каримов. — Истиқлолдан кейин мамлакатимизда маданий ва тарихий ёдгорликларни асраб-авайлашга, қайта тиклашга, шунингдек, туризмни ривожлантиришга эътибор янада кучайди. Шаҳримизга ташриф буюраётган чет эллик сайёҳларнинг Хива тарихини билишга ва ўрганишга иштиёқлари баланд эканлигини сезамиз. Нафақат вилоятимиз, балки кўшни Қорақалпоғистон Республикаси, Фарғона водийси, Самарқанду Бухородан Хива шаҳридаги ушбу тарихий обидаларни томоша қилиш учун келаётган юртдошларимизни илиқ қарши оламиз. Улар бир дунё таассурот билан қайтиб кетишади.

Саёҳат дарсидан олинган сабоқ: аждодларимиздан бугунги авлодга қолдирилган мерос улкан. Улар тўғрисида билиш керак, ўрганиш эса янада муҳим, асраб-авайлаш, эҳтиётлаб келаёқ авлодга етказиш — бурч.

**Феруза
ТАНГРИБЕРГАНОВА**
Хоразм вилояти.

ЭЛ ИШОНЧИННИ ОҚЛАБ...

«Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади».

(Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 117-моддадан).

Сайёра Меликова фидойи, меҳнатсевар, изланувчан. Касбга садоқати туфайли шаҳар халқ таълими бўлими томонидан Самарқанд шаҳридаги 21-умумтаълим мактабига раҳбар қилиб тайинланди. Жамоа унинг раҳбарлигида дарс ўтишининг янги ва илғор услубларидан кенг фойдаланиб, ўқувчилар билим самарадорлигини оширишга эришди.

Бора-бора Сайёра Меликованинг меҳнати, изланишлари ўз мевасини берди. Эл орасида обрў-эътибор қозонди. Ўтган йили кўпчилиكنинг таклифи билан у халқ депутатлари Самарқанд шаҳар кенгаши депутатлигига 15-Сўзангарон сайлов округидан ўз номзодини кўйди. Сайловчиларнинг ишончи муаллиманинг етарли овоз тўплаб, депутат бўлишига имкон берди.

— Депутатлик киши елкасига улкан масъулият юклар экан, — дейди С.Меликова. — Олдин фақат мактабимиз истиқболини ўйлаш билан чекланган бўлсам, энди сайлов округидаги тўққиз маҳалла, тўрт мингдан ортиқ фуқаро, шу ҳудудда мавжуд бешта таълим муассасасига тегишли муаммолар устида бош қотиришимизга тўғри келаяпти. Бу эса мени ишга янада масъулият билан ёндашишга ундайди.

Айтиш жоизки, ёш оналар саломатлиги билан боғлиқ кўплаб масалалар бугунги кун-

да долзарб аҳамият этмоқда. Шуни инобатга олиб, малакали шифокорлар, тиббиёт ходимлари, кўпни кўрган пиру бадавлат отахону онахонлар, маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда режа асосида округдаги барча маҳаллаларда учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказишни йўлга қўйдик. Яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг оғир оқибатлари борасида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Тўй бошлаётган оила бошлиқлари билан суҳбатлашиб, уларга тўйни камчиқим, камхарж қилиб ўтказиш юзасидан маслаҳат ва кўрсатмалар берилляпти.

Депутат С.Меликова фуқароларга қабул қилинаётган янги қонунлар, уларнинг ҳудудни ривожлантиришдаги аҳамияти ҳақида сайловчилар билан бўладиган ҳар бир учрашувда тушунтириб боради. Айни пайтда у сайлов округидаги 22-, 31- ҳамда 52-умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг дарсдан бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида мазкур илм масканлари раҳбарлари билан келишиб, тўғарақлар сонини ошириш чораларини кўрмоқда. Ҳар учала мактабда ҳам бадиий гимнастика тўғараги фаолияти йўлга қўйилган.

Президентимизнинг яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида сўзлаган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» номли маърузаси ва унда кўтарилган муҳим масалалар хусусида аҳоли орасида тушунтириш ишларини олиб боришда ҳам С.Меликова ташаббуси билан ташкил этилаётган тадбирларнинг ўрни катта.

Ҳаким ЖҲРАЕВ,
«Ma'rifat» муҳбири

«Фуқаролар қонунда белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбурдирлар».

(Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 51-модда).

МАСЪУЛИЯТ

Бош Қомусимиз — мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганлигининг 18 йиллигини катта тантаналар билан нишонламоқдамиз. Чунки Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, БМТ ҳужжатлари ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормалари асосида қабул қилинган Конституциямиз ҳар бир моддаси сизу бизнинг манфаатимизга хизмат қилади.

Конституциямизнинг 41-моддасидаги «Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир» деган сўзлар ёшларимиз учун нақадар аҳамиятли эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Яъни, бу уларнинг комил инсон бўлиб вояга етишлари, тўлақонли ва мукаммал билим олишларининг кафолатидир. Айни пайтда республикамизнинг энг чекка ҳудудларида ҳам замонавий мактаблар, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар қад ростлаган. Уларни тамомлагач, пойтахтимиз Тошкент шаҳри ва вилоятлар марказларидаги ўзлари истаган олий таълим муассасаларида таҳсилларини давом эттиришлари, қолаверса, фан олим-

пидалари, турли кўрик-танлов ва спорт мусобақалари орқали ҳам ўз иқтидорларини намойён этишлари мумкин.

Фикрларимни ўзим фаолият юритаётган Фарғона солиқ коллежи мисолида давом эттирадиган бўлсам, муассасамизда 1577 нафар ўқувчи солиқ ва солиққа тортиш, бухгалтерия, солиқ ҳужжатларини электрон қайта ишлаш мутахассисликлари бўйича таҳсил олишмоқда. Шинам, ёруғ ва жаҳон андозаларига жавоб берадиган ўқув анжомлари билан жиҳозланган фан кабинетлари, ахборот-ресурс маркази ҳамда спорт зали уларнинг ихтиёрида.

Юртбошимиз ўз маърузаларидан бирида «Бугунги навқирон ёшлар юртимизда демократик давлат, фуқаролик жамияти, тараққий топган иқтисодиёт, шулар асосида эркин ва фаровон ҳаёт бунёд этишда, барча орзу-умидларимизга эришишда Ватанимизнинг ҳақиқий таянч ва суянчи бўлади» дея республикамиз ёшларига катта ишонч билдирганлар. Ишонамизки, улар бу юксак ишонччи, албатта оқлайдилар.

Қизлархон ТОЖИБОЕВА,
Фарғона солиқ коллежи ўқитувчиси

ИХТИРОЛАР — ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида «Янги интеллект» деб номланган энг яхши интеллектуал мулк объектларини аниқлаш учун ўтказилган танлов ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Маросимда вазирлик ва идоралар масъул ходимлари, Фанлар академияси ва олий ўқув юртлари ёш олимлари, ихтирочилар, ишлаб чиқариш корхоналари вакиллари, магистр-талабалар ва ОАВ вакиллари иштирок этди.

Танлов Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси томонидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси, «Камолот» ЁИХ, «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси ва «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази билан ҳамкорликда ташкил этилган бўлиб, юртимизда илм-фанни янада ривожлантириш, иқтидорли ёшларни илмий фаолиятга жалб этиш, ихтирочилик, ахборот технологиялари соҳасидаги ютуқларини кенг тарғиб этиш вазифаларини ҳам ўз ичига олади. Яна шуни таъкидлаш керакки, тадбир «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида белгилаб берилган ёшларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш учун шарт-шароитлар яратиш, истеъдодли ёшларни илмий фаолиятга жалб этишга доир вазифаларнинг ижросини таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Энг яхши ихтиро ва моделларни аниқлаш орқали янги технологиялар, товарлар ва рақобатбардош маҳсулот яратиш жараёнини фаоллаштириш, sanoat соҳасидаги энг сўнгги ютуқларни кенг тарғиб қилиш, ихтирочилик, илмий-

техникавий изланишларни рағбатлантириш мақсад қилинган. Танловда «Йилнинг энг яхши ихтироси» «Энг яхши фойдали модель», «Энг яхши ЭХМ учун дастур ва маълумотлар базаси» номинациялари бўйича ғолиблар аниқланди. Унда иштирок этиш учун умумий ҳисобда 57та талабнома қабул қилинган ғолибликнинг оsonlik билан қўлга киритилмагани, kuchli рақобат бўлганини кўрсатиб турибди. Танлов низомига асосан, унда 2009 йили Давлат патент идорасидан муҳофазалаш ҳужжатларини олган интеллектуал мулк объектлари иштирок этди.

«Йилнинг энг яхши ихтироси» номинацияси бўйича биринчи ўринни республика патологик анатомия маркази олимлари томонидан ишлаб чиқилган «Аёлларда бачадон бўйни касаллигини ташхислаш усули» эгаллади. Муаллифларга қимматбаҳо совға ва дипломлар топширилди. Мазкур марказ шифокори Эркин Эшбоев бу усулнинг аҳамияти тўғрисида гапирар экан, шундай дейди:

— Жамиятимизда аёлларнинг соғлиғига бўлган алоҳида эътибор соғлом турмуш тарзига интилиш ва келгуси авлодга бўлган ғамхўрликни ўзида акс эттиради. Ҳар қандай касаллик пайдо бўлишининг биринчи босқичларида ноқ аниқлаш ва унга қарши чоралар кўриш жуда катта аҳамиятга эга. Марказимиз то-

монидан ишлаб чиқилган аёлларда бачадон бўйни касаллигини ташхислаш усули тахлилларнинг аниқлиги, тезкорлиги билан бошқа усуллардан фарқ қилади.

«Йилнинг энг фойдали модели» номинацияси бўйича Олмалик тоғ-металлургия комбинати ОАЖ мутахассислари томонидан яратилган Газлар-

Tanlov

ни ҳўллаб тозалаш учун мўлжалланган қурилма экологияни яхшилаш учун саъй-ҳаракатлар олиб борилаётган бир пайтда жуда аҳамиятли бўлгани ва ҳали кузатилмаган усулдан фойдалангани боис биринчи ўринни эгаллади.

— Газларни ҳўллаб тозалаш учун мўлжалланган қурилма энергетика, металлургия, кимё, тоғ-кон ва бошқа sanoat соҳаларида кенг фойдаланилиши кўзда тутилган, — дейди Олмалик тоғ-металлургия комбинати ОАЖ етакчи муҳандиси Зокирхўжа Эшонхўжаев. — Бу янги қурилманинг асосий вазифаси ифлосланган газни тозалаш орқали экологияни яхшилашдир. Мухими, учангларни ушлаб қолишга катта ёрдам беради. Қурилма Олмалик ТМҚда тажрибадан ўтказилди. Яна шуни таъкидлаш керакки, жараёнда чиқитга чиқарилган, ammo ичида нодир металллар бор бўлган фойдали газлар ҳам мавжуд. Булар

ҳисобига қўшимча иқтисодий фойда ҳам олиш мумкин.

«Йилнинг энг яхши ЭХМ учун дастур ва маълумотлар базаси» номинацияси бўйича эса «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари марказида ишланган имконияти чекланган кишилар учун «Daktil» ўқув қўлланмаси биринчи ўринга лойиқ деб топилди.

— Мен ишлаб чиққан «Daktil» ўқув қўлланмаси эши-

дек, синовдан ўтиш билан бирга машқлар бажариш имкони ҳам бор. Эътиборлиси, дастурдан фойдаланишни ўзлаштириш оson kечади.

Танловда иштирок этган барча ихтиро ва моделларнинг, шубҳасиз, ўз аҳамияти мавжуд. Тақдирлаш маросимида бу танлов ҳам илм-фанга берилган эътиборнинг ўзига хос бир кўриниши, намунаси эканлиги яна бир бор намоён бўлди.

— Бугунги кунда қайси соҳага қараманг, кенг имкониятлар ва етарли шароитлар яратилганига гувоҳи бўласиз, — дейди Соғлиқни сақлаш вазирлиги, илм-фан ва ўқув юртлари бошқармаси бош мута-




тиш ва гапириш имконияти йўқ ёки бу борада нуқсон бор шахсларга мўлжалланган, — дейди дастур муаллифи Лочинбек Нурматов. — Бундай дастур ишлаб чиқишдан мақсад бундай кишиларга мулоқот қилишда энгиллик яратишдир. Дастур дарслари улар учун мўлжалланган алифбони ўрганишдан бошланади. Сўзлар машқи, имо-ишораларнинг сўзлардаги кўринишини ҳам кўриш мумкин. Шунинг-

хассиси Дилором Воҳидова. — Бугунги тадбир ҳам бунинг яққол исботи бўлди. Ҳали фанда кузатилмаган усул ва дастурлар ҳаммада қизиқиш уйғотди. Айниқса, олимларнинг ихтиролари тўғрисида маъруза ва тақдимотлари кўпчиликнинг диққатини тортди.

Санобар ЖУМАНОВА,
«Ma'rifat» мухбири
Бурҳон РИЗОКУЛОВ
олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

Мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини ошириш йўлида меҳнат қилаётган барча юртдошларимизни, жумладан, баркамол авлодни вояга етказишга ҳисса қўшаётган таълим ва фан ходимлари, устоз ва мураббийларни 8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун билан муборакбод этамиз!
Барчага мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, Ватанимиз равнақи йўлидаги сермашаққат меҳнатларида улкан зафарлар тилаймиз.



Тонги соат бешларда телефон жириглашидан уйғондим. Ширин уйқудан кўзларимни очолмай гўшакни кўтарканман, ундан аёл кишининг хижолатомуз овози эшитилди. Бухоролик муаллима Мавлуда опа узр сўраганча салом-алик қилиб сўрашгач, гапни чўзмай тезда мақсадга кўчди:

— Укажон, бугун ўқувчилар билан Тошкентга Республикамиз Конституциясининг 18 йиллик тантанасига бағишлаб экскурсия уюштираяпмиз. Бундан байрам баҳона ҳордиқ чиқариш ва Бош Қомусимимизга оид назарий билимларимизни амалиёт билан мустаҳкамлашни мақсад қилганмиз. Сиз азим пойтахтимизнинг хушманзара жойларини яхши биласиз. Бизга ҳамроҳ бўлсангиз.

— Майли, — дея гўшакни кўйдим. Уйқум бузилганидан, тўғриси, хафа бўлмадим. Бунинг икки сабаби бор: биринчиси, қутилмаган бу таклиф менга ёқиб тушгани бўлса, иккинчиси, содда, самимий, ҳеч тиниб-тинчимайдиган бу аёл тонг саҳардан ўзининг эзгу нияти билан мени хушёр тортирди. Шайх Саъдий Шерозийнинг «Эй, фарзанд! Соғлом бўлай десанг, саёҳат қил! Ундан бешта фойда бор: кўнгил ёзиш, куч тўплаш, илм ва одоб ўрганиш, донолар зиёратида бўлиш ва мол тўплаш» деган сўзларидаги ҳикмат бухоролик муаллиманинг дилида акс-садо бериб турганга ўхшайди...

Кундузи соат 15.00да бухоролик меҳмонларни пойтахтимиздаги «Отчопар» шохбекатида кутиб олдим. Ҳол-аҳвол сўрашгач, Мавлуда опа қўлимга икки варақ қоғоз тутқазди-да, юзимдаги таажубни кўриб, «Тошкентга саёҳат коллежимизнинг мўъжазгина аудиториясида «Конституция оламига саёҳат»дан бошланган. Сафаримизнинг шу лаҳзагача бўлган тафсилотлари шу қоғозда ёзилган», деди. Қойил! Ўзим ҳам пайт пойлаб, бу ноанъанавий экскурсияни ташкил этиш фикри қандай пайдо бўлганлигини, қадим Бухородан азим Тошкентгача олинган таассуротлар ҳақида сўрамоқчи бўлиб тургандим. Ахир, йўлдаги воқеалар жуда қизиқарли бўлади. Шу боис қоғозга кўз югуртириб, кунт билан ўқий бошладим:

ҚОМУСИМ – НУРЛИ БАХТ СЎЗИМ

«Мен «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш» фанидан ўқувчиларга мавзуни тушунтириш жараёнида интерфаол усуллардан ва техника воситаларидан унумли фойдаланаман. Эртанги дарсимни ноодатий усулда ташкил қилмоқчиман.

... Аудиторияга киришим биланоқ байрамона руҳни, ўқувчилар юз-кўзидаги илмга чанқоқликни кўриб, кўнглим ёришиб кетди. Улар бугунги дарсимдан ҳам доимгидек бирор янгилик, ўзгачалик кутишарди.

Дарс мавзуси – «Фуқароларнинг конституциявий бурчлари». Аввало, ўтган дарсдаги «Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари» бўйича ўқувчилар билимини баҳолаш керак. Бунда барча болаларнинг фаол иштирокини таъминлаш, мавзуга янада қизиқтириш ва билимларни мустаҳкамлаш мақсадида «Кимошди савдоси» ўйинидан фойдаландим. Унга кўра, аудиторияга «товар» сифатида савол ташланди. Ўқувчилар эса саволга жавоб бериш орқали уни сотиб олишга киришишди. Жавобларнинг қанчалик тўғрилиги «қиймат» сифатида қара-

либ, энг юқори нархни, яъни тўғри жавобни таклиф қилолган ўқувчи товарга эга бўлди.

— Фуқароларнинг иқтисодий ҳуқуқларини санаб беринг, — аудиторияга савол ташладим ва жавоб кутиб бир, икки, уч, дея санай бошладим. «Кимошди» савдосида биринчи товаримиз жуда тез сотилди. Бир ўқувчи қўл кўтарди: хусусий мулкка эга бўлиш, мерос қол-

қўлга киритиши мумкинлигини англашига хизмат қилади, меҳнат билан топилган мулкни қадрлашга ўргатади.

Янги мавзуни ўтишда ҳам ўқувчиларнинг эркин фикрлашига кўпроқ имкон бердим. Дарсни иложи борича ҳаёт билан боғлашга ҳаракат қилдим. «Бурч нима?» — савол ташладим аудиторияга.

— Бурч — бу ҳар бир инсоннинг бажариши шарт бўлган ишлар: ота-онани, қонунларни ҳурмат қилиш, Ватанни севиш, — жавоб берди ўқувчилардан бири.

Иккинчиси «бурч» деганда қонунларда белгиланган мажбуриятларга қатъий риоя қилиш зарурлигини тушунишини айтди. Шу тарзда кўпчилик ўз мулоҳазаларини билдирди, сўнг ўзим хулосаларим:

— Бурч — Конституцияда

ВАТАНГА МУҲАББАТ, ҚАЛБГА ҒУРУР БАҒИШЛАГАН САЁҲАТ

дириш ва эгасига айланиш, меҳнат қилиш ҳуқуқи, эркин касб танлаш ҳуқуқи, ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқи, меҳнат таътилига чиқиш ҳуқуқи, дея санаб берди у. «Сотилди» деб болғачани столга урдим ва унга рағбат корточкасини узатдим.

— Иккинчи савол: Ушбу

белгилаб кўйилган қонунқоидаларни адо этиш шарт бўлган вазибалардир. Бурч — бу ҳар бир шахснинг ўз вазибаларини тўлиқ бажаришини назарда тутиб, бошқаларга тўғри муносабатни шакллантиради.

Дарс давомида Ватан, халқ, ота-она олдидан бурчларимизни ўзида акс эттирган «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» кўрсатувидан, «Сардор», «Остона» каби фильмлардан лавҳаларни томоша қилдик. Сўнгра «Лавҳаларда қандай гоё илгари сурилган?», «Сиз фильм қахрамонлари ўрнида бўлганингизда, нима қилган бўлардингиз?» каби саволлар суст ўқувчиларни ҳам ўзига жалб этди.

Қизгин баҳсининг хулосаси сифатида таъкидладимки, Ўзбекистонда яшовчи ҳар бир фуқаро ўз бурчини сидқидилдан бажарса, оилаларимиз тинч, фаровон бўлади. Жамиятнинг бир бўлаги ҳисобланмиш оилаларнинг фаровонлиги эса бутун юрт истиқболидан дарақдир.

Сўнгра мамлакатимиз фуқароларининг бурчлари белгиланган Бош Қомусимизнинг 48-, 49-, 50-, 51-, 52-моддаларини кадоскоп орқали ўқувчиларга кўрсатдим. Уларга кўра фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга,



О'қамизни о'рганамиз

бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга, халқимизнинг тари-

ҳардан Тошкентга — азим шаҳарнинг замонавий қиёфасини, истиқлолимиз берган моддий ва маънавий ютуқларни томоша қилгани сафарга чиқамиз». Бу гапимдан болаларнинг шодланганини бир кўрсангиз эди...

Тошкентга отланганимизда, кун ҳали ёришмаган, аҳён-аҳён ҳўрозларнинг тонги қичқириклари эшитиларди, холос. Автобусда кун бўйи ўйин-кулгу тинмади. Ўқувчилар Ватан, Конституция, миллий рамзларимиз, меҳр-муҳаббат ҳақида шеър ва кўшиқ айтиб, рақсга тушдилар...

...Диёрим жаҳонга

очган ёруғ юз,

Баланддир оламга

довруғ-обрўси.

Ҳар қалбга бамисли энг

равшан юлдуз,

Нур сочган бахт сўзим —

юртим Қомуси.

Бу каби мисралар, шўх қизларнинг шодон кулгуси, йигитларнинг чапаги кулоқларим остида жарангларкан, бугунги кунга, осойишта ҳаётимизга, истиқлолимизга минг бора шукроналар айтдим. Кўнглим эса улкан шаҳар, турфа гўзалликлар, янги таассуротлар томон орзиқмоқда...

Мавлуда ЗАРИПОВА,
Бухоро иқтисодий ва банк колледжи ўқитувчиси

Пойтахтимиздаги саёҳат дастлаб ватанимизнинг бош майдони — Мустақиллик майдонидан бошланди. Эзгулик аркаси, Мустақиллик ва эзгулик монументи, яшиллик тусини олган чор-атроф ва осмонўпар биноларга боққан нигоҳларда юрт ишқи, ғурур ва масрурлик, келажакка ишонч ҳисси порлади.

Кейин «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуини зиёрат қилиш ва «Қатағон қурбонлари хотираси» музейини томоша айлаш учун йўл олдик. Аҳамиятлиси, бу таклиф ўқувчилардан чиқди. Манзилга етгач, хиёбон ва музейни айлана туриб, бунинг моҳияти катта эканлигини англадим. Бўзсув канали бўйида қад ростлаган мажмуа — мустақиллик неъматини, замонавийлик ва асрий анъаналаримизнинг бардавомлигини, юртимизда инсон шаъни ва қадр-қиммати қадрият даражасига кўтарилганидан далолат бериб турибди. Музейда электрон ахборот мажмуасининг мавжудлиги, томошабинлар учун барча қулайликларнинг яратилгани ва экспонатларнинг ранг-баранглиги меҳмонларни жуда қувонтирди. Айниқса, истиқлол йилларига оид экспонатлар қаторида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳасининг Конституцион Комиссия раиси, Президент Ислам Каримов томонидан таҳрир қилинган Нусхасининг жой олганини кўрган болаларнинг чеҳрасида Бош Қомусимизга нисбатан меҳр ва ифтихор туйғуси намоён бўлди.

... Бутун шаҳарни ўз бағрига олган сокин тун кўйида уйга қайтар эканман, бугунги саёҳатнинг гала-говурли, айна пайтда хушқайфият улашувчи хотиралари қалбимни ҳаққиртирарди. Айниқса, бир-биримизни тўлиқ билмасак-да, қадрдон дўстларга айланган болалар билан хайрлашиш учун автобусга чиқиб, кўрганамиздаги воқеалар ҳаёлимда ғужғон ўйнарди: кунни билан ҳазил-хузул ва савол-жавоблардан тинмаган болалар ўриндиқларда жим ўтиришар, баъзилари жилмайганча хаёлларга чўмган ва баъзилари юзларида хуррамлик барқ урганча «Кундалик» қораларди... Мен бугунги кун ҳаёт зарварақларига бахтли лаҳзаларни муҳраганидан, болаларга бир олам таассурот берганидан хурсанд эдим. Эшик ёнидаги ўриндиқ олдидан уларга бироз термулиб турдим-да, пастга тушиб кетдим. Автобус охира ўрнидан жилди...

Дилшод КАРИМОВ,
«Ma'rifat» муҳбири



САБЗАВОТ САРАТОНДАН САКЛАЙДИ

Тиббиёт соҳасидаги тадқиқотларга кўра, беш турдаги сабзавот ва меваларни ҳар кўни истеъмол қилиш саратондан ҳимоя қилиши маълум бўлди. Буни Оксфорд университети тадқиқотчилари аниқлади. «ZdravoE» манбаси хабар беришича, соғлом бўлиш учун яхши овқатланишнинг ўзи етарли эмас. Айниқса, саратоннинг олдини олишда ҳар жихатдан эътиборли бўлиш зарур.

Бу борада инсоннинг нималарни истеъмол қилаётганлиги эмас, егуликларнинг миқдори ва турлари ҳам аҳамиятга эга. Айтайлик, чекиш саратон шисларининг пайдо бўлиш эҳтимolini 50 маротаба оширади, сабзавот ва меваларни кўп миқдорда истеъмол қилиш эса мана шу эҳтимolini 10 фоизга туширади.

— Мевалар ва сабзавотлар соғлом овқатланиш рационининг асосий қисмини ташкил қилади ва энг фойдали егулик тури бўла олади. Биз ҳали бу борада тажрибалар ўтказмаган бўлсак ҳам, юқоридаги илмий асосга таяниб, бу неъматлар саратоннинг олдини олишни тахмин қиляпмиз, — деди тадқиқотчилардан бири.



Саратонни келтириб чиқарувчи омиллардан асосийси ортиқча вазн ва алкоғолли ичимликларга муккаси-дан кетишдир. Тамаки эса улардан ҳам хавфлироқ бўлган, соғлиққа таҳдид солувчи жиддий душман. Ортиқча вазн кўкрак ўсимтасини келтириб чиқарувчи гормонлар миқдорини оширади. Бундан ташқари, қизилўн-ўсимталар пайдо бўлишига ҳам олиб


гач, ичак системаси, меъда ости безида келиши мумкин. Организмга кирган алкоғол оғиз бўшлиғи, томоқ, ўпка, ичак ва жигарда ўсимталар пайдо бўлишига имкон яратади, яъни, шу қисмлардаги ҳужайраларга зиён етказилади. Саратонни йўлатмасликнинг энг самарали усули чекмаслик ва алкоғолли ичимликлардан ўзни тийиш ҳамда соғлом овқатланиш орқали ортиқча вазндан сақланишдир.



ХАВОСИЗ ШИНАЛАР АФЗАЛЛИГИ

Илм-фаннинг сўнги ютуғидан бири бўлган янги шиналар ҳақиқатдан-да ҳайратланарли тузилишга эга. Чунки унинг юза қисмлари 800та пружинадан иборат бўлиб, ўзида одатдагидай сиқилган тарздаги ҳавони сақламайди.

Slashgear.com сайтида берилган маълумотларга қараганда, бу гилдираклар НАСА ва «Goodyear» номли компания томонидан ишлаб чиқарилган бўлиб, одатий шиналар учун қийинчилик туғдирувчи йўлларга мўлжалланган. Ҳатто у билан Ойнинг ўнқир-чўнқир йўлларида ҳаракатланиш мумкинлиги янги ихтиронинг аҳамиятини оширади. Олдинлари фазогирлар Ойга тадқиқот ўтказиш чоғида махсус аппарат ва машиналарга ўрнатилган резинали гилдиракларга совуқ ва иссиқ иқлим таъсир қилар ва бу ҳаракатланиш жараёнида муаммони юзага келтирар эди. Янги ихтиро эса бу каби ҳолатларни бартараф қилиши кутиляпти.



Ихтиродаги пружиналар гилдираклар юзасида контур тарзида айланиб туради. Оғирлик тушган қисм бироз ичига қиради, аммо пружиналар тезда яна ўз ҳолатига қайтади. НАСА тадқиқотчиси Вивак Асаннинг сўзига кўра, сиқилган ҳаво ёрдамида ишлайдиган одатий пневматик шиналар тешилиши ва кучли зарба натижасида жиддий шикастланиши мумкин. Шундай ҳолатларда янги гилдиракнинг пружиналаридан атиги биттаси ишдан чиқиши мумкин. Пружиналар ҳаракатида эластиклик бўлгани ўнқир-чўнқир жойларда энгил ҳаракатланиш имконини яратади.

Санобар ЖУМАНОВА тайёрлади.

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети бўш (вакант) ўринларга катта ўқитувчи, ўқитувчи лавозимларига танлов эълон қилади

- Рус тили; ижтимоий-гуманитар йўналишлар бўйича чет тиллар кафедралари катта ўқитувчилари.
- Ижтимоий-гуманитар йўналишлар бўйича чет тиллар кафедраси ўқитувчиси.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Ректор номига ариза.
2. Ишловчининг шахсий варақаси.
3. Маълумоти, илмий даража, илмий унвони ҳақидаги диплом нусхалари.
4. Паспорт нусхаси.
5. Илмий ишлар рўйхати (факультет илмий котиби томонидан имзоланиб, тасдиқланган ҳолда).
6. Малака ошириш тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси.



Манзилгоҳ:
Тошкент-174,
Талабалар
шаҳарчаси,
ЎЗМУ,
кадрлар бўлими.
Тел: 246-03-92

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой муддатда қабул қилинади.

Халқ таълими вазирлиги томонидан эълон қилинган умумтаълим мактабларининг 4-,5-,8-,9- синфлари учун 2011-2012 ўқув йилида чоп этиладиган дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларни яратувчи муаллифлар танлови голиблари РЎЙХАТИ

т/р	Дарслик номи	Синфи	Муаллифлари
1	Русский язык (ўзбек ва қардош тилларда)	4	О.Қодирова, Х.Болтабоева
			З.Абдурашулова ва б.
			Р.Аҳмедова, Н.Рўзиева
2	Русский язык (ўзбек ва қардош тилларда)	5	М.Безрукова, О.Жаркинбаева
			О.Қодирова, Х.Болтабоева
			Г.Гасилова, С.Мағдиева
3	Тасвирий санъат (барча тилларда)	4	Р.Ҳасанов, Х.Эгамов
			А.Сулаймонов, И.Раҳмонов,
			З.Сулаймонова
4	Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари (барча тилларда)	8	Б.Болтаев, А.Азаматов, А.Асқаров, М.Содиқов, Г.Азаматова
			А.Абдуқодиров, Р.Боқиев, М.Ашуров, Б.Каримов
			Ф.Закирова, М.Михридинова
5	Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари (барча тилларда)	9	Б.Болтаев, А.Азаматов, А.Асқаров, М.Содиқов, Г.Азаматова
			А.Абдуқодиров, Р.Боқиев, М.Ашуров, Б.Каримов
			Ф.Закирова, М.Михридинова

ТАНЛОВГА ТАКЛИФ О'Н-01

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги малака ошириш ва қайта тайёрлашдан ўтган тингловчиларга бериладиган "Сертификат" ва "Диплом" харид этиш учун танлов эълон қилади!

1. Сертификат — 89 025 дона.
2. Диплом — 5 500 дона.

Танлов ўтказиш жараёнлари, тартиби, нашр ҳамда чоп этиладиган ўқув ҳужжатлари тўғрисида батафсил маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:

100159, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уй, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги
Тел: (8-371) 239-40-84, 239-13-43, 239-10-23, 239-45-12
Факс: (8-371) 239-13-43, 239-10-23

Танловда иштирок этиш истагини билдирганлар Халқ таълими вазирлигига танлов эълон қилинган кундан бошлаб 30 кун давомида ўз таклифларини тақдим этишлари лозим. Кўрсатилган муддатдан кечикканларнинг мурожаатлари инobatга олинмайди.

Тошкент давлат техника университети «Геология ва кон иши» факультети томонидан 2007 йили Раджабов Жонибек Норменглиевич номига берилган № 2030 рақамли рейтинг дафтарчаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кенгаши таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Андижон вилояти кенгаши молия ишлари бўлими мудири Улугбек Жамоловга онаси **Матлуба аянинг** вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

ГИМНАСТИКАЧИЛАРГА БАЙРАМ ТУҲФАСИ

Андижон шаҳрида Олимпия захиралари гимнастика спорт мактаби қайтадан таъмирланиб, унинг таркибидан янги бадий гимнастика зали фойдаланишга топширилди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 18 йиллиги байрами арафасида иншоотнинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.



Тадбирда сўзга чиққанлар ёшларни қўшалок байрам билан қизгин муборакбод этиб, Юртбошимизнинг бевосита эътибори туфайли спортни оммавийлаштириш, аҳолини, аynиқса, энди униб-ўсиб келаётган ёш авлодни соғломлаштириш, ҳам маънан, ҳам жисмонан камолотга етказиш, жаҳон ареналарида мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиш учун яратилган имкониятлар ҳусидида тўхталди.

Фойдаланишга топширилган иншоот андижонлик қизлар

учун ўзига хос маҳорат мактаби бўлиб қолиши таъкидланди. Гимнастика мактаби тарбияланувчиси, Андижон туманидаги 23-мактабнинг 7-синф ўқувчиси Мавлуда Ҳасанова кўрсатилаётган ғамхўрлик учун ўз тенгдошлари номидан мамлакатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

Қурилиш-таъмирлаш ишлари "Моналит плюс" МЧЖ томонидан амалга оширилди ва бунга 800 миллион сўм маблағ сарфланди. Объектни барпо этишда

Xushxabar

Андижон "Биокиме" АЖ ҳомийлик ёрдами кўрсатди.

Йиғилганлар гимнастика спорт мактабини кўздан кечирдилар. Уларнинг эътиборига Андижон шаҳри ҳамда Асака ва Улуғнор туманларидан келган ёш гимнастикачиларнинг кўргазмалари чиқишлари намойиш этилди.

Шундан сўнг Гуанжоу шаҳрида ўтказилган XVI Осиё Ўйинлари туркумига киритилган спорт гимнастикаси борасида совриндор бўлган Луиза Галиулина ва бадий гимнастика бўйича Осиё чемпиони Азиза Мамажонова ҳамда малакали мураббийлар иштирокида мастер-класс ўтказилди. Бу жараён вилоятнинг чекка ҳудудлари саналмиш Қорасув, Хонобод ва Асака шаҳарларидаги спорт иншоотларида ҳам давом этди.

Шу ўринда бир маълумотни келтириб ўтиш жоиз, бугун Андижоннинг барча туманларида бадий гимнастика ва спорт гимнастикаси бўйича секциялар ташкил этилган. Бадий гимнастика бўйича 2009 йили 1800 нафарга яқин қиз мунтазам шугулланган бўлса, яратилган кенг имкониятлар натижасида вилоятда жорий йилда 2800 нафардан ортиқ қиз ушбу спорт тури билан шугулланади.

Вилоятда Халқ таълими вазирлиги, БСРЖ ва Ўзбекистон гимнастика федерацияси билан

ҳамкорликда муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, жорий йилда биргина Андижондаги 50 нафардан ортиқ мураббийга семинарлар ташкил этилди ва гимнастиканинг бошланғич машғулоти ўтказиш бўйича керакли сабоқ берилди.

Мазкур спорт залининг очилиши Андижонда бадий гимнастика ва спорт гимнастикасининг мавқеи бундан ҳам зиёда бўлишини таъминлаши аниқ. Бу ерда бугун илк сабоқни бошлаган қизлар вақт келиб, мамлакатимиз шаънини халқаро майдонларда юксак шарафлаб, шоҳсупага кўтарилишига ишонамиз.

Орифжон СИДДИҚОВ

Андижон вилояти.



АЛОНСО — ЭНГ ЯХШИ

Autosport.com манбаси олиб борган сўровнома натижасига кўра, испаниялик пойгачи Фернандо Алонсо 2010 йилги мавсумда «Формула-1» мусобақаларининг энг яхши ўйинчиси, деб топилди.

Алонсо «Формула-1»нинг сўнгги пойгаларига энг яхши натижаларни қайд этди. Тўғри, мусобақаларда «Ред Булл» жамоаси вакили Себастьян Феттель ҳам ўз иқтидорини намойиш этди.

«Мени йилнинг энг яхши пойгачиси», деб тан олишганидан бахтиёрман. Очиги, мен жаҳон чемпионати совринини кўлга киритишни кўпроқ истагандим», деди Алонсо.

Алонсо 229 очко билан рейтинг жадвалининг энг юқори поғонасида турибди. Ундан кейинги ўринда Феттель (220 очко). Рўйхатнинг навбатдаги погоналарида Льюис Хэмилтон («Макларен», 196), Марк Уэббер («Ред Булл», 146) ва Роберт Кубица («Рено», 129) ни кўриш мумкин.



«ОЛТИН ТЎП» КАТАЛОНИЯДА ҚОЛАДИ

«Барселона» футбол жамоаси вакиллари испаниялик Андрес Иньеста ва Хави Эрнандес ҳамда аргентиналик Лионел Мессе учлиги 2010 йилги мавсумда жаҳоннинг энг яхши футболчисига аталган «Олтин тўп» совринига номзод сифатида танланди.

Яқини уч номзодни эълон қилиш маросими Парижда ўтказилди. Маълумки, 2010 йилдан бошлаб «Олтин тўп» ва ФИФАнинг «Йилнинг энг яхши футболчиси» совринлари бирлаштирилди. ФИФА «Олтин тўп» соврини соҳиби «France Football» нашри билан ҳамкорликда аниқланади.

Хави ҳамда Иньеста Испания терма жамоаси таркибидан мундиалда зафар кучди. Мессе эса 2009-2010 йилги чемпионлар лигасининг энг самарали тўпурари бўлган.

ФИФА ва «France Football» нашри учала номзоддан айнан ким голиб бўлганини 2011 йилнинг 10 январь куни Швейцариянинг Цюрих шаҳрида бўлиб ўтадиган тантанали маросимда ошкор этади.

Ш.НАРЗУЛЛАЕВА тайёрлади.



Хурматли Сайёра ЮНУСОВА!

Сизни таваллуд айёмингиз билан чин дилдан табриклаймиз. Самимий инсон, талабчан муаллима ва психолог сифатида жамоада обрў қозондингиз. Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, бахт-саодат тилаб қоламиз.

Келгуси педагогик фаолиятингизда улкан зафарлар ёр бўлсин. Фарзандларингиз ва оилангиз бахтига доимо омон бўлинг.

**Хурмат билан
Уртачирчиқ туманидаги
29-мактаб педагогик
жамоаси**



ЭЪТИБОРСИЗЛИК — КЎНГИЛСИЗЛИК

Мамлакатимизда «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» давом этмоқда. Газ, энергетика, сув хўжалиги ва иситиш мосламаларининг техник жиҳати эътибор қаратиш, ёнғин хавфсизлиги қодалари бузилиши бўйича пухта текширувлар ўтказиш, хавфсизлик бўлинмаларини ўт ўчириш техникалари билан таъминлаш, ишчи ходимлар, ўқув юрталари ва аҳоли ўртасида кенг қамровда тушунтириш ишларини олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Жорий йилнинг ўтган даврида Тошкент шаҳрида жами 1428та ёнғин содир этилиб, катта миқдорда моддий зарар етказилди. Ушбу ёнғинлар натижасида 26 киши ҳаётдан бевақт кўз юмган бўлса, 33 нафар фуқаро турли даражадаги тан жароҳати олган.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, кўнгилисиз ходисаларнинг қарийб 70 фоизи хонадонларда, шундан 50-60 фоизи газ печларидан ва турли хилдаги электр жиҳозла-

ридан нотўғри фойдаланиш оқибатида содир бўлаяпти.

Шунингдек, бино ва иншоотларда, хонадонларда, илм масканларида ёнғин ўчириш воситаларининг тўлиқ талабга жавоб бермаслиги ҳам содир бўлган ёнғиннинг салбий ҳолатлар билан тугашига сабаб бўлмоқда.

Ҳар бир ёнғин йўқотишдир. У ўз-ўзидан келиб чиқмайди, асосан эътиборсизлик оқибатида рўй беради. Шундай экан, бепарволик, эътиборсизлик қилиб ҳам ўзимизга, ҳам жамиятимизга зарар етказмайлик. Ёнғин оқибатида инсонлар умри ҳазон бўлмаслиги, бир умрга ногирон бўлиб қоламасликлари учун барчамиз воситалардан унумли фойдалана билишимиз зарур.

**Т.НАЗАРОВ,
12-ХҲХО смена бошлиғи, капитан,
Ш.ШОНАЗАРОВ,
12-ХҲХО 26-ХҲХК бошлиғи, капитан**

Ma'rifat

ТА'СИС

ETUVCHILAR:

*Ўзбекистон Халқ та'лими
вазирлиги, Ўзбекистон Олий
ва о'рта maxsus ta'lim
vazirligi, Ўзбекистон
Ta'lim va fan xodimlari
kasaba uyushmasi
Markaziy Kengashi.*

**Бosh muharrir:
Abdusamat RAHIMOV**

Tahrir hay'ati:
Jumanazar
BEKNAZAROV,
Baxtiyor DONIYOROV,
Bahodir JOVLIYEV
(bosh muharrirning
birinchi o'rinbosari),
Akmal ISLOMOV
(mas'ul kotib),
Mahmuda MURZAYEVA,
Husan NISHONOV
(bosh muharrir
o'rinbosari),
Ulug'bek
TOSHKENBOYEV,
Nurlan USMONOV
(bosh muharrir
o'rinbosari, "Учитель
Ўзбекистана"),
Aleksey CHUKARIN
(mas'ul kotib, "Учитель
Ўзбекистана"),
Sa'dulla HAKIMOV

**Gazeta Ўзбекистон
Matbuot
va axborot agentligida
№ 0067 raqam bilan
ro'yxatga olingan.
INDEKS: 149, 150.
G-1122. Tiraj 26533.
Hajmi 4 bosma taboq.
Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3.**

**Navbatchi
muharrir:
Hulkar
RAJABOVA.
Navbatchi:
Sherali NAMOZOV**

*«Ma'rifat»dan materiallarni
ko'chirib bosish tahririyat
ruxsati bilan amalga oshirilishi
shart. Tahririyatga yuborilgan
materiallar muallifga
qaytarilmaydi.
® belgisi ostida reklama
materiallari beriladi.*

**MANZILIMIZ:
100083, Toshkent,
Matbuotchilar ko'chasi, 32.**

**E-mail:
info@marifat.uz
Web-site:
www.marifat.uz**

**TELEFONLAR: mas'ul
kotib—233-99-15, umumiy
o'рта va maktabgacha ta'lim
yangiliklari bo'limi — 236-53-
16, fan, oliy va o'рта maxsus,
kasb-hunar ta'limi yangiliklari
bo'limi — 236-54-03, adabiyot,
madaniyat, kasaba uyushmalari
hayoti yangiliklari bo'limi —
236-54-26, ma'naviyat va
maktabdan tashqari ta'lim
yangiliklari bo'limi — 236-54-
23, siyosat, xalqaro hayot va
sport yangiliklari bo'limi —
236-55-58, reklama va
marketing bo'limi — 233-42-
92(faks), 236-54-17.**

**Bahosi sotuvda
erkin narxda**

**Dizaynerlar
Lilya BINASHEVA va
Malohat TOSHEVA.**

**«Sharq» nashriyot-
matbaa aksionerlik
kompaniyasi
bosmaxonasi.**

**Korxonaning manzili: «Buyuk Turon»
ko'chasi 41-uy**

**Bosishga topshirish
vaqti — 21.00.
Topshirildi — 22.30
ЎЗА яхуни — 23.30**




«АГРОБАНК»

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ

«Агробанк» очик акциядорлик тижорат банки жамоаси мустақил Ўзбекистон бағрида бир оила фарзандларидек аҳил, тинч-тотув яшаётган мамлакатимиз аҳлини Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18 йиллиги байрами билан самимий кутлайди. Бахтимиз қомуси — Асосий Қонунимиз буюк келажагимиз ва бахт-саодатимиз кафолатидир.



**«2010 йил —
Баркамол
авлод
йили»**



ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

Барча юрtdошларимизни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 18 йиллик байрами билан самимий кутлаймиз!

Бахт ва шодлик доимий ҳамроҳингиз бўлсин.
Хонадонингиздан файзу-барака,
чехрангиздан табассум аримасин.

